



ТОНТЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 2-3 (6845-6846)
1997 йил 10 январь шанба

Сотувда эркин
нархда



ТУНГИ СОАТ УН ИККИ

Қойилманда соатга
Ҳисобдан толмас.
Бир лаҳзани унутиб
Адашиб қолмас.
Бўлмагунча йил тўлиқ
Тоқат-ла кутар,
Эшик қоқиб Қорбобо
Совғалар тутар.
Дастурхонда ноз-
неъмат, Ясоғлиқ арча.

Интиқ кутар
термулиб
Шу онни барча.
Ва ниҳоят ўн икки...
Соат урди бонг.
Хуш келибсан, Янги йил,
Отар қутлуғ тонг.
Вали АХМАДЖОН,
Фарғона вилояти Боғдод
туманидаги 3-ўрта мактаб
ўқитувчиси

Шифокор маслаҳати

Азиз болажонлар! Хабарингиз бўлса керак, ушбу кунларда республикамызда вирусли гепатит касали билан оғриган болалар сони кўпайиб бормоқда. Уларнинг 80 фоизини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил қиляпти. Вирусли гепатитнинг (сарик касал) А, В, С, Д, Е турлари маълум бўлиб, болаларда энг кўп тарқалаётгани «А» туридир. Убоғчаларда, мактабларда, жамоат жойларда, майший мулоқот йўли, яъни касал уйнаган уйинчоқлар, ёки у фойдаланган идиш-товоқларни дезинфекция қилмасдан ишлатганда юқади. Мактаб ошхоналарида санитария-эпидемиология қоидаларга эътиборсизлик касалликнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек касал бола дарров врач назоратида бўлиб, у бошқалардан алоҳида ажратиб қўйилиши шарт.

Вирусли гепатит тана ҳароратининг кўтарилиши, бош оғриги, шамоллаш аломатлари, ланжлик, иштаҳасизлик, қайт қилиш, қорин оғриши билан бошланиши мумкин. Бу даврда бадан сарғаймайди. Пешоб ранги ўзгармаганлиги учун ҳам ота-оналар касалликни дарров илғай олмайдилар ва ўзларича даволашга уринадилар. Бу эса касалнинг янада кучайиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ўзингизни ноҳуш сезсангиз дарров ота-онангизни хабардор қилиб, шифокорга учранг. Дарднинг олди олинади.

Сизларнинг соғлигингиз-бизнинг бойлигимиз, ота-оналарнинг кунгли чоғлигидир!

Мохиба ОБИДОВА,
Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги
Марказий маслаҳат ташхис поликлиника
муdiri

ҒОЛИБ ЎҚУВЧИЛАР

Яқинда Юқори Чирчиқ туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан 9—10—11-синф ўқувчилари ўртасида фанлар олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда тумандаги 41 та мактабдан 17 та фанлар бўйича 49 ғолиб аниқланди. Айниқса 19-урта мактаб ўқувчилари олимпиадада яхши иштирок этишди.

Мактабнинг 11-синф ўқувчилари А. Исроилов физика, С. Ким математика, О. Пак химия, М. Кан биология фанлари бўйича ҳаммадан кучли эканликларини намойиш этишиб, туман олимпиадаси ғолиби бўлишди.

Эндиликда улар мактаб ўқувчиларининг фанлар бўйича вилоят олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Уларни вилоят олимпиадасида ҳам муваффақиятли иштирок этишлари учун омад тилаймиз.



МАКТАБДА ШОДИЁНА

3-урта мактабда меҳнаткашларнинг 1200 га яқин ўғил-қизлари таълим-тарбия олишади. Қишлоққа табиий газ қувурлари тортилганига мана роппароса беш йил бўлди. Аммо шунча йилдирки мактаб ўқувчилари совуқ синф хоналарида қалтираб дарс тинглашарди. Энди эса бунга барҳам берилди. Туман халқ таълими бўлими муdiri Тоҳир Норматов, мактаб директори Акрамхужа Умархужаев, мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Машруба Мираҳмедова ва мактаб жамоаси саъй-ҳаракатлари билан мактабга муъжизакор «зангори олов» келди.

Эндиликда ҳамма хурсанд, ҳар энда шодиёна. Ўқувчилар кенг, ёруғ ва иссиқ синф хоналарида маза қилиб яйраб ўқишади-да!

Латифжон МАНСУРОВ,
Юқори Чирчиқ тумани,
Кавардон қишлоғи

Даъват

ҒИЖДУВОНДАН ХАТ КЕЛАР, ҚУВОНЧ ҲАМ ҲАЙРАТ КЕЛАР.

Янги ишга келган кунларим эди. Хатлар бўлими муdiri қўлимга бир даста хат тутқазиб, келгуси сонга таҳрир қилиб келишимни сўради. Ишдан сўнг уйга келиб, хатларни бир бошдан куздан кечириб чиқар эканман, очиги ҳайратландим. Ҳар 10 хатнинг 7—8 таси ғиждувонлик ўқувчилардан эди. Ғиждувонлик ўқувчиларнинг ҳаммаси ижодкормикин? — деган ҳаёлга бордим. Уларнинг ичида шеър, ҳикоя ва ҳажвия, шаҳар, қишлоқларида руй бераётган воқеа-ҳодисалар ёзилган мактублар ҳам бор эди. Мен буни таҳрир маҳалимда мақоламда алоҳида таъкидлаб ўтдим. Шу кун тонгда радио орқали берилган «Келажак тонги» эшитириши мени беихтиёр узига тортди. Бошловчи жажжи болақайлар вилоятлардан келган хатларни шарҳлаб берарканлар улар ҳам таҳририятга Ғиждувондан келган хатларга алоҳида урғу бериб, уларнинг ижодларидан намуналар ўқиб бердилар.

Бундан кўриниб турибдики, ғиждувонлик ўқувчилар теварак-атрофимизда руй бераётган воқеаларга бефарқ эмаслар. Мен шу кун хатларни кузатиб туриб, ўзимнинг болалигим билан учрашгандек ҳаяжонга тушдим. Мен ҳам газета ва журналларга мактуб ёзиб, ўз ижодимни йўллар эканман, ўз навбатида таҳририят ходимларидан ҳам мактуб келишини интизорлик билан кутардим.

Буни қарангки, бугунга келиб ўзим ҳам сеvimли газетамиз орқали сизларга хат йўллар эканман, ғиждувонлик болалардан урناق олинлар, — дейман. Мактуб ёзиш ҳам маънавият чироқларини ўз оламида ёқипдек гап.

ХОСИЯТ



ГЕПАТИТИДАН САКЛАННИНГ

НАЖОТ ЎЗИНГДА

Нозик суҳбатлар



«Миллий тикланиш» газетасининг Бош муҳаррири, эл тониган зиёли Иброҳим Ғофуров билан суҳбат.

дузи» болаларнинг миясини тулдириши, янги ҳаёт гоёлари билан мунтазам қувватлантириб бориши зарур. Болалар уз газеталаридан қанчалар кўп унутилмас таассуротлар олсалар, шунча яхши. Бу таассуротлар уларнинг яхши инсон бўлиб етилишларида нурамас пойдевор бўлади.

— **Ажина, олабўжилар билан саркаш болаларни қўрқитамиз. Болаликда сизда ҳам жин-ажиналардан қўрқиш ҳоллари бўлганми?**

— Ота-онам ҳеч қачон биз фарзандларини бундай нарсалар билан қўрқитмас эдилар. Балки бундай нарсалар устидан бош қотириб утирмас эдилар. Турмуш уринишлари маърифати уларнинг барча вақтларини тула эгаллаб олган эди. Фақат хилват, холи боғлар, туқайлар, чангалзорлар, хилват ва холи чулсаҳролар, вайроналар, улар одамни ёлғиз қолдирмасалар керак. Мен одам улга, номнишонсиз йўқ бўлиб кетишига ишонмайман. Эски бир гап эсингиздами, ҳеч нарса йўқдан бор бўлмайди, бордан йўқ бўлмайди. Одамнинг ру-

ҳи абадий яшайди. Коинотда бир зарра каби эркин ҳаракат қилади. Ой юлдузларга боради. Коинот чексиз булганидек, зарранинг ҳам йули чексиздир. Рух эса бир ифор заррадир. Ҳаво, ер, само шу ифор зарраларга тулиб кетган. Улар бизга фақат тушларимизда ва бетоб чоғларимизда намоён бўладилар.

— **Табиатда фаслар алмашиб туради. Айни ёз деймиз. Айни пишиқчилик деймиз. Ижод ҳам бир чеккаси шундай пишиқчиликка ўхшаб**

кетади. Ижоднинг сермахсул паллалари бўлади. Умуман, яхши асар ёзиш ёш танлайдими?

— Иқтидор деганингиз узига хос ноёб ҳодиса. Истисносиз ҳар бир одамда қандайдир иқтидор белгилари, учқунлари бўлади. Кимлардир у тула рўёбга чиқади. Аллакимлардир ҳаёт ҳодисалари таъсирида кўмилиб йўқ бўлиб кетади. Шунинг учун одам уз-узини жуда яхши англаши, билиши, туғри баҳолаши зарур. Уз-узи устидан янглиш тасаввурда юрган одамлар, узини билмаган, танимаган одамлар бошқаларни ҳам билмадилар, танимадилар. Шоирлик ёш танлайди. Лекин носирлик ёш танлайди. Гузаллик, фасоҳат, малоҳат, фусункорлик ёшликка ҳадя этилган. Тажриба, маҳорат, фазл, оқиллик, ҳикмат умр уртасидан кучга киради. Изтироб, тугёнлар, шиддатли ҳиссиётлар, кечинмалар ёшликка берилган... Умр поёнида эса одам океанга ўхшаб қолади. Океан улуг кемаларни бемалол кутариб

туради. Лекин асов дарё кичкина қайиқчаларни ҳам бир зумда улоқтириб ташлаши мумкин. Қариликда йигитлик қувватини сақламоқдан ортиқ бахт йўқ. Йигитлик қувватини сақлаганлар кексайганда ҳам, жуда маҳсулдор ишлай оладилар. Умрни қандай режалашда ва қандай мақсадларни кузлашда ҳам гап кўп. Ҳамма нарсалар ниятга кура...

— **Сехргар бўлиб қолсангиз, нима қилар эдингиз?**

— Қушлар тилини урганар эдим. Булутлар, шамоллар, япроқлар, зарралар тилини билишни истар эдим. Урмонлар, саҳролар, тизма тоғлар, биебонлар, океанлардан сураган булар эдим: сизлар кимсиз? Сехргар бўлиб қолсам, бадниятлик, бадахлоқлик, баднафсликнинг давосини сурар эдим...

— **«Тонг юлдузи» ўқувчиларига тилагингиз...**

— Ҳамиша нажотни ўзларидан қидирсинлар...

Суҳбатдош Дилором ИСМОИЛОВА

Мактуоблар кутиси

Танлов

ЁШ СУХАНДОНЛАР

Мактабимизда утказиладиган ҳар қандай қизиқарли тадбирлар ўқувчиларни мактаб фаолияти билан доимо боғлаб туради. Яқинда тил ва адабиётга ихлосманд ўқувчи қизлар иштирокида «Ёш суҳандон»лар танлови бўлиб ўтди. Танловда Ҳамза туман халқ таълими бўлими услубчиси Х. Абдуллаева, 227-мактаб она-тили ва адабиёти ўқитувчиси М. Хусанова, 216-мактаб ўқитувчиси О.Едгорова ва бошқалар тақлиф этилди.

Танлов иштирокчилари уч босқичда шеърни ифодали ўқиш, эслаш қобилияти мусобақалари бўйича беллашдилар. Иштирокчи қизлар билим даражаларининг юқори эканликларини ўқитувчи ва меҳмонлар уртасида намойиш қилишди. Танловга яш санъаткорлар куй ва қушиқлар билан янада файз киритди. Кеча сўнигда ҳайбат аъзоларининг баҳолари эълон қилиниб, танлов голиби деб 230-мактаб ўқувчиси Шохиста Йўлдошева эълон қилинди ва у шаҳар бўйича утказиладиган курик-танловга тавсия этилди.

Клара АЗИМОВА,
198-мактаб
ўқитувчиси



Болалик. Болалик ҳақида ёзиш гоҳо осон кечса, гоҳо қийин кечади. Чунки бостириб келаётган ҳислар галаёнидан узингни қуйгани жой тополмай қоласан киши. Мен болалигим ҳақида уйларканман, куз олдимга ўқувчилик

майроқ турибман. Ниҳоят, орзиқиб қутилган «парта сайлаш» маросими бошланди.

Ҳамма бирин-сирин олдинга юра бошлади. Шунда менинг биринчи ўқитувчим Дилбар опа Пардаева уртага чиқиб, «Норим, Норим, Норим

СИЗНИ СОҒИНАМАН, АЗИЗ

йилларим, илк бор мактаб партасига утириб «Алифбони» урганаётган бегубор кунларим келади. Одатда бизда 31 август кунни парта сайлаш маросими бўлиб утарди.

Балки бу сизга кулгули туюлар-у, лекин уша 1976 йилнинг 31 августи мен учун, илк бора мактаб остонасига қадам қуйган содда болакай учун ҳақиқий байрам, «буюк» тантана эди.

Мана, кечагидек эдимда, мен ва мен тенги уртоқларим тизилишиб синфга кириш вақтини бетоқатлик билан кутаяпмиз. Буйим анчайин пастрок бўлганлиги учун тенгдошларим орасида қурин-

борми оранларда?» деб чақириб қолди. «Ҳа», деб уртага чиқувдим: «Кел бу ёққа, мана шу биринчи партада утирасан. Уртогинг Равшан сени сайлади» дедилар.

Мен уша кундан бошлаб то мактабни тугатганимга қадар фақат биринчи партада утириб келдим.

Мен буни айтиш билан мактанмоқчи эмасман, балки Дилбар опамнинг уша менга билдирган ишончлари мени ун йил давомида фақат аълочи бўлишган, аъло ўқишга чорлаб келди демоқчиман, холос.

Таъзим

Мана умр сувдай оқиб ўтмоқда, лаҳзалар бир-бирига гал бермасдан фурсатларга айланиб бормоқда.

Бутун ҳаётим давомида нималаргадир эришган бўлсам, нималарнидир топган бўлсам, барчаси учун сиз азизлардан миннатдорман қадрли УСТОЗЛАРИМ: Дилбар опа

УСТОЗЛАР!

Пардаева, Нарзулла ака Раҳимов ва Валентина Евгениевна Қаҳҳорова! Бугун, уша сизлар юрагимга солган ут билан ёниб яшамоқдаман.

Сизларни соғинарканман, уша муқаддас чўғ юрагимда янада кучлироқ аланга олади. Зеро, бу чўғ маърифат шуъласидир, соғинч ва эътиқод алангасидир!

Норим РАҲМОНОВ,
Улуғбек номли
истеъдодли ёшларни
қўллаш Ўзбекистон
жамғармаси Бош
директори ўринбосари

Таъзир

ЖОВЛИБЕККА «ЯНГИ КИЙИМ»

Жовлибекнинг ота-онаси бир ҳафта бурун ўғлига спорт кийими олиб берган эди. Мактабда қулоқ чўзма уйнаб бош кийимини дом-дараксиз йўқотган Жовлибек шу уйинда спорт кийимининг бир енгидан ҳам айрилди.

Мактабдан қайтишда туғри йўл қолиб, панжарали девордан ошиб, шимини ҳам йиртди. Ўтган кунни уйи олдида оқиб ўтадиган ариқчадан болалар билан сакраш уйнаб кроссовкасини ҳам ишдан чиқарган эди.

Жовлибек ишдан қайтиб келган ота-онасига, бошқа спорт кийими олиб бермасангизлар мактабга бормайман, деб хархаша қила бошлади. Шунда онаси:

— Вой, улмасам. Олиб берганимизга ҳали бир ҳафтаям бўлгани йўқ-ку, нима қилдинг кийимларингни?!— деса,

— Қанақасига, бир ҳафтадан ошди. Харид қилганингизга бугун туққиз кун бўлдику!, — деди уялмай-нетмай.

— Нима, туққиз кун қиясанми янги кийимни?

— Олиб берган бу спорт кийимингиз Хитойники экан. Американики олиб берасизлар, бор-йўғи беш минг сўм атрофида тураркан. Кроссовкаси, костюм-шимини ва шапкасиам бор... Мана шуларни олиб бермасангиз бўлмайди, деб оёқ тираб олган ўғлига ота-она ойлик маошларини қўшиб ноилож уни Отчопар бозорига олиб борадиган бўлишди. Эрталаб онаси: Ўғлим, бозордан чарчаб-ҳориб келамиз. Ҳозир бир йўла ҳаммаёқни йиғиштириб, супуриб-сидириб кетақолайлик. Сен ахлатни тукиб келгин, — деди.

Жовлибек ахлат тула иккала челакни олди-ю, уни махсус ахлат кутисига эмас, одатдагидек у ёқ, бу ёққа қараб ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилган, ариқчага бушатди...

Аммо... Уни кузатиб турган иккита нозир қўлига тушди. Улар Жовлиларникида далолатнома тўлдириб, нақд беш минг сўмни ундириб кетишди. Шунда Жовлибекнинг синглиси унга «мана сенга янги кийим» деб икки бармоғини бурнига суқиб кўрсатди.

Воқеадан хабардор —
Азамат СҮЮНОВ

Дилшодбек Келеса — Нури бувисиникига тез-тез бориб туради. Бувисини сал курмаса соғиниб қолади. Бувиси ҳам роса ажойиб-да. Қадимий ривоят хикоятлар, «теша тегмаган» мақол, топишмоғу лапарларга жуда бой. Халқимизнинг утмиши ҳақидаги қушиқларни бувиси ширани овоз билан хиргойи қилганларини эшитиб, Дилшодбекнинг эглари жимирлашиб, меҳри товланиб кетади. «Эҳ, афсус, шундай яхши нарсаларни уртоқларим ҳам эшитишса эди», дея кунглидан утказди.

Рамазон айтиб келдик

нинг зукколигидан қувонди Нури буви. — киши доимо покиза бўлиши керак, айниқса, руза ойида ҳовли руяни, идиш-товоқларни саришга-лаб қуйса, жуда савоб булади... Шундай қилиб, бизнинг рамазонимизни эшитган қуни-қушчилар ёнғоқ, туршак, жийдалар билан сийлашарди. Ҳа, дарвоқе, маҳаллада рамазон айтишдан мақсад нарса йигиб олиш экан, деб уйламагин, болам. Бу энди қадимдан шунақа одат бўлиб кетган.

Энг кичиги Шоюсуп гулзор эди.
Шоюсупни овга олиб чиқдилар
Жарга ташлаб бури еди дедилар.
Онаси йиглаб борур жар бошита
Қушпегирмон қурдилар куз ёшига...
Ё раббимсан обло мохи рамазон.
Шу уйнинг турт еқ чети куйнинг изи
Румолингиз ҳар ерда алқа-алқа
Қулимизга ярашар тилла халқа...
Ё раббимсан обло мохи рамазон...

Нури буви бир нуқтага тикилиб узок сукутга толди. Ким билади, дейсиз? Буви шу дамда болалик йилларини, аллақачонлар раҳматли бўлиб кетган ота-оналарини яқинларини эслаб қолгандир. Бувининг кумушсимон сочлари, пешонасидаги ажинларию нуруний чехраси, лаблари устидаги қоп-қора холи—ҳамма-ҳаммаси Дилшодбекка янада чиройли, файзли қуришиб кетди. Меҳр билан бувисини кучди:
— Раҳмат бувижон... Узимнинг меҳрибон бувижоним...
Дилшодбек уйига қайтаркан, Нури буви Ҳошимхужаевдан эшитганларини барча уртоқларига албатта айтиб беришни, мана шундай кексалар адабиёт муаллимлари айтганидай, бизнинг бойлигимиз эканлигини, уларнинг қалбларига йул топиб, биланларини тинглаб урганишни — шу тариқа халқ оғзаки ижодининг янги дурдоналарини топишда катталарга ёрдам бўлишини айтишни кунглига тутиб қуйди.

МУАТТАР

ЎЗИМНИНГ БУВИЖОНИМ

Мана, ҳозир ҳам буви билан набира маза қилиб гаплашиб утиришибди.

— Бувижон, сиз ҳам кичкина-лигинизда рамазон айтганмисиз? — сўрайди Дилшодбек.

— Ох-хо, — деди Нури буви курпа қавиб утираркан куйонаги устидан қараб, — нимасини айтаман болам, биз айтган рамазонларни эшитган одам яна бир марта айттирарди... «Руза» ойидан олдин «барат ойи» келадилар. Шунақа вақтда мен катта сочларига пиллик тақиб олган дугоналарим билан ашула айттардик:

Ой ойи барат ойи
Барат келди, билдингизми?
Идиш-товоқ ювдингизми?
— Бувижон, — деди Дилшодбек бувисига тақлидан руза сўзига «лар» қўшимчасини қўшиб, — руза ойи келганларида ҳамма ёқни тозалаш керакми?
— Ҳа, қоқиндик, — набираси-

Катталар болалар қизиқсин, деб уйларида бор ширинликлардан беришган-да.

— Озгина рамазон ҳам айтиб бering, мен ҳам ўрганиб олиб ўртоқларим билан айтаман, — эркаланиб илтимос қилди Дилшодбек.

— Хуп, тасалдуқ, эшит бўлмаса: Кираверсин давлат, чиқаверсин фалокат

Омин обло, субҳон обло.
Рамазон айтган билан туюманму,

Бурунгилинг қаъдасини қуюманму.


Бу руза уттиз кун, бизга меҳмон экан,

Рузани тутмаганлар сарсон экан

Ҳавода тилла туморнинг изи бор.

Чор китобда Мустафонинг сузи бор.

Мустафонинг ун бир угли бор эди,



Дунёдаги бари эзгуликлар меҳр ва муҳаббатнинг ҳосиласидир. Қайсики, Ватанда меҳрибон, шафқатли, эътиқодли одамлар кўп булса уша мамлакатнинг ризки бут, баракали булади. Янги 1988 йилнинг оила йили деб эълон қилиниши ерқин келажимиз учун қутлуг бир қадамдир. Яъни ҳар бир оила аъзосига, унинг яшаш тарзи, маънавиятига эртасига булган эътибор бево-сита келажакка дахлдордир. Ватан остонадан бошланади деган ҳикматнинг тубида ҳам уша биз айтаётган оила ва унинг келажаги ётади.

Биз бугун ҳар бир ўзбек боласининг қалбида ёнаётган беғубор гурур— мен ўзбекман деган туйғуга ҳурмат билан қарашимиз, уни эътиқод даражасига кутаришимиз лозимдир.

Мен баъзан ўқувчиларим билан дарсдан кейин қонун, оила, маънавият, миллатимиз қиёфаси, қадриятларимиз ҳақида суҳбат ва музокаралар утказган пайтларимда болалар-

нинг руҳидаги гурур, кутаринкилик, дилиликни қуриб ичимдан суюниб кетаман.

Қадим-қадим замонлардан буён узининг буюк тафаккури ва айни пайтда меҳр-мурувватлиги билан бутун дунёни титратган миллатимизнинг эртаси бугунги кун болаларининг қулида экан, демак уларнинг кунлида ҳамиша дустликка, эзгуликка эътиқод туйғуларини мустақамлаш керак.

Мен фақат эзгулик тарафдориман. Қанийди ота-оналар биз ўқитувчилар билан доимий мулоқотда булсалар. Ушанда биз интилаётган боланинг юрагига тезроқ кириб борган ва кутган нарсамизга эришган булар эдик.

Мен бир оилани биламан. Уларнинг бирин-кетин уч фарзанди ҳам бизнинг қулимизда ўқиди. Қуш уясида қурганини қилади деганлари рост экан. Бу

ЭЗГУЛИК ҚАНОТЛАРИ

Гудак қайси бир оилада дунёга келар экан, албатта у уша оиланинг тасарруфида ва тарбиясида булади. Мен ўқувчиларни мактабда, кучада, меҳмондорчиликда уларини қандай тутишларини кўп кузатганман. Уша лаҳзадаёқ боланинг қанақа оилада тарбияланаётганлигини сезиш қийин эмас. Албатта мен бу билан оилаларни паст-баландга ажратмоқчи эмас-

болалар мутлақо ўқишга қизиқмас, аммо қойилмақом қилиб қийиниб қуйишарди. Бунинг устига шу қалар дилозор, қўпол эдиларки, ҳатто ўқитувчиларни ҳам тап тортмасдан суқишарди. Бизнинг уларни тарбиялаш йулидаги барча меҳнатларимиз зое кетди. Неча марта ота-оналарини чақиртирсам ҳам улар менсимай мактабга келишмади.

Оила йили — меҳр ва мурувват йили

Кейинроқ билсам бу дилозор болаларнинг ота-онаси ҳам шунақа экан. Савдогарликнинг катта кучасига кириб, болаларига ҳам, дунёда энг кучли енгилмас одам — бу пули кўп одам деб ургатишар экан. Шунинг учун булса керак болалари ҳам кичик жонлари билан пул йиғишга муккасидан кетишиб дарс тугади дегунча ярим кечагача

батлари, самимий музокаралари бундай кечаларни бойи-тади.

Биз юқорида халқимизнинг азалдан меҳрибон, болажон халқ булганлиги ва бу сифати билан бутун дунёга машҳурлиги ҳақида гапирган эдик. Бутун дунёга буйлаётган Ўзбекистонимиз келажаги учун қайғуриш барчамизнинг бурчимиздир. Фарзандларимизнинг меҳр оқибатли, меҳрибон инсонлардек усиши, эртанги кунимизнинг хотиржамлиги экан, буни ҳар бир оила чуқур англамоғи ва ҳис қилмоғи лозим. Болалар эзгуликнинг қанотларидир. Бу қанотларни баъанд-баланд парвозларга йуллаш аввало оиланинг қолаверса бутун бир Ўзбекистоннинг буюк бир аҳди булсагина бизнинг қудратимизга қудрат қушилади.

«Чақалоқларни йиғлатмангиз, болаларга озор бермангиз — бу гуноҳи азим эрур...» деган эди бобомиз Амир Темур. Бу сузлар ҳар биримиз учун айниқса ўқитувчи ва тарбиячилар учун дастур булмоғи лозим. Боланинг юраги ҳали ҳеч нарса ёзилмаган оппоқ қоғоздир. Мана шу беғубор қоғозга ҳушёр бўлиб, ҳурмат билан илк тасаввур рангларни солиш жоизки, зеро эртага боланинг қалби яхшилик ва ёруғлик назари тушган китобга айлансин. Мен бутун бутун ўзбекистонлик касбдошларимни муҳтарам ота-оналарни, ўзбек деган миллатнинг дардларига дармон булғувчи, қудратига қудрат қўшувчи фарзандлар — ўқувчиларни тарбиялашга чақираман.

Шокир ҚОРАБОЕВ,
Тошкент шаҳридаги
146-мактаб директори



БОЛ ШИРИН, БОЛДАН БОЛА ШИРИН

ЯНВАРЬ

Д		5	12	19	26
С		6	13	20	27
Ч		7	14	21	28
П	1	8	15	22	29
Ж	2	9	16	23	30
Ш	3	10	17	24	31
Я	4	11	18	25	

ФЕВРАЛЬ

Д		2	9	16	23
С		3	10	17	24
Ч		4	11	18	25
П		5	12	19	26
Ж		6	13	20	27
Ш		7	14	21	28
Я	1	8	15	22	

МАРТ

Д		2	9	16	23	30
С		3	10	17	24	31
Ч		4	11	18	25	
П		5	12	19	26	
Ж		6	13	20	27	
Ш		7	14	21	28	
Я	1	8	15	22	29	

АПРЕЛЬ

Д		6	13	20	27
С		7	14	21	28
Ч	1	8	15	22	29
П	2	9	16	23	30
Ж	3	10	17	24	
Ш	4	11	18	25	
Я	5	12	19	26	

МАЙ

Д		4	11	18	25
С		5	12	19	26
Ч		6	13	20	27
П		7	14	21	28
Ж	1	8	15	22	29
Ш	2	9	16	23	30
Я	3	10	17	24	31

ИЮНЬ

Д	1	8	15	22	29
С	2	9	16	23	30
Ч	3	10	17	24	
П	4	11	18	25	
Ж	5	12	19	26	
Ш	6	13	20	27	
Я	7	14	21	28	



ТАҚВИМИ



ИЮЛЬ

Д		6	13	20	27
С		7	14	21	28
Ч	1	8	15	22	29
П	2	9	16	23	30
Ж	3	10	17	24	31
Ш	4	11	18	25	
Я	5	12	19	26	

АВГУСТ

Д		3	10	17	24	31
С		4	11	18	25	
Ч		5	12	19	26	
П		6	13	20	27	
Ж		7	14	21	28	
Ш	1	8	15	22	29	
Я	2	9	16	23	30	

СЕНТЯБРЬ

Д		7	14	21	28
С	1	8	15	22	29
Ч	2	9	16	23	30
П	3	10	17	24	
Ж	4	11	18	25	
Ш	5	12	19	26	
Я	6	13	20	27	

ОКТАБРЬ

Д		5	12	19	26
С		6	13	20	27
Ч		7	14	21	28
П	1	8	15	22	29
Ж	2	9	16	23	30
Ш	3	10	17	24	31
Я	4	11	18	25	

НОЯБРЬ

Д		2	9	16	23	30
С		3	10	17	24	
Ч		4	11	18	25	
П		5	12	19	26	
Ж		6	13	20	27	
Ш		7	14	21	28	
Я	1	8	15	22	29	

ДЕКАБРЬ

Д		7	14	21	28
С	1	8	15	22	29
Ч	2	9	16	23	30
П	3	10	17	24	31
Ж	4	11	18	25	
Ш	5	12	19	26	
Я	6	13	20	27	

ЮРТИМИЗДАГИ БАЙРАМЛАР

1 январь Янги йил	8 март Халқаро хотин-қизлар куни	9 май Ғалаба куни	1 сентябрь Ўзбекистон Республикаси мустақиллик куни	лар куни
14 январь Ватан ҳимоячилари куни	21 март «Навруз» байрами	1 июнь Халқаро болалар куни	1 октябрь Мураббий ва уқитувчилар куни	8 декабрь Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни.

ТАДБИРКОР, ишбилармон, пултопармон киши бўлиш учун одам болалигидан бошлаб нимадир олиб-сотиши шартми? Юки бирор касбунарга уқуви бор ўсмир ўқишини йиғиштириб қўйиб албатта дастгоҳ ёнига кўчиши керакми? Афсуски, кўпчилик шундай деб ўйлайди. Ахир ўзига муносиб қўйлак тикиб кийиш фақат уй бекасига ярашадиган ишми? Нима, врач ёки олима, шоирларнинг қўллари фақат шприцлару дафтар, қалам учунгина яралганми?!

Бирон йирик концерн бошлиғи ёхуд вилоят ҳокими мириқиб кўриб ўтирган телевизор "пип" этиб ўчи қолса, гап нимадалигини билмай у уйига устонадан муҳандис чақиритиши зарурми? Унинг ўзи (гарчи катта мансабдор ёки пулдор бўлса-да!) нурли қутичанинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечириб, иллатни топа олса, битта мурватни бураш билан "зангори экран"и жонланиб кетса, қандай яхши! Бунинг гаштига нима етсин.

Шундай! Тадбиркорлик билан тежамкорлик бор жойда барака бор, бойлик тўпланади. Ва бойлик, қутбарака бор ерда илм-фан ривожланади, тараққиёт бўлади. Қорни тўқ элнинг, илиги тўқ юртнинг фарзандларининг кўзи ҳам тўқ бўлади. Кўзи тўқ болаларгина жамиятнинг одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қиладилар, қўлига китоб олиб тафаккурини чархлайдилар. Ўқиб олим бўлишни, жамиятни, давлатни бошқаришни орзу қилишади.

ХАР қандай оила учун, ҳар қандай жамият учун турмуш тарзининг бош тамойили бўлган "олдин иқтисод, кейин сиёсат" ақидаси Ўзбекистонимиз мустақилликни қўлга киритганидан бери ўтган олти йилдан зиёд вақт ичида мамлакатимиз ҳаётида ҳам ҳал қилувчи мезонлардан бирига айланган. Сир эмас, собиқ СССР тарқаб кетган илк даврда Ўзбекистон ҳазинасида ҳам шамол ўйнади. Чунки ҳамма республикачилар ишлаб топганини тўккан "омбор" - умумий ҳазина Москва қўлида қолиб кетганди...

1991-92 йилларда юртимиз фуқаролари кундалик эҳтиёж маҳсулотларини тайёрлаш учун ҳатто далаларга кўш чиқарган, эски тегиримонларни тuzатган ҳолатлар ҳам кўп бўлди.

Асос

"УМИД" БОЛАЛАРИ



Ўша йиллар матбуоти саҳифаларини кўздан кечирган киши қайсидир бир қишлоқда нонвойхона қурилгани ҳам, бирон шаҳарда атлас тўқиш цехи ташкил этилгани ҳам жамият тараққиёти йўлида олға қўйилган бир қадам сифатида кутиб олинганининг гувоҳи бўлади. Ўша "янгилик"ларни бугун ўқиган ўсмирлар таажжубга тушиши ўрта авлоднинг анчагина содда эканидан хайратланиши аниқ. Лекин бу ҳақиқат эди. Ўтиш йилларида ўрта ва кекса авлод руҳига урган бу кайфият бугунги ўсмирлар, ёшлар дунёқарашига ҳам таъсир этмай қолмади! Лекин бу кайфият оқибатида содир этилган ҳаракатлар қисқа ўйлаш оқибати экани, мана орадан 3-4 йил ўтар ўтмас аён бўлиб қолди.

Бир мисол: вилоятдан пойтахтга келиб олийгоҳда ўқиётган қариндошимиз талабалар ётоқхонасида яшарди. У аёлванд оила фарзанди бўлгани сабабли камҳарж, "ҳақиқий толибона" кун кечирарди. Камина Улуғбекка ҳеч йўқса маънавий кўмак

бериш ниятида шундай маслаҳат бердим:

- Укажон, ёшсиз, яхши еб, пўрим кийингингиз келяпти! Бунақада диплом олгунча ошқозонни ишдан чиқариб қўйманг. Яхшиси, ана бу қўшнимиз Салимжонга ўхшаб нонвойхонадан нон олиб келиб гузарчада сотинг. Кунда дарсдан сўнг 2 соат ишласангиз, 120-200 сўм ишларкансиз... Ана унда бемалол яшайсиз, ҳам савдо-сотиқни ўрганасиз, - дедим (Улуғбек бизнес бошқаруви бўйича олий таълим олаётганди).

У бу гапга шундай деб жавоб қайтарди:

- Тўғрику-я, лекин... Пулга қизиқиб кетиб ўқишим қолиб кетади. Яхшиси, янги кийим олмайман энди. Стипендиямга лойиқ сарф-харажат қиламан.

Кўп ўтмай олийгоҳ маъмурияти "аъло" ўқиётгани учун жиянимга ҳар ойда яна бир ойликдан стипендия билан мукофотлаш ҳақида қарор чиқарди... Бултур баҳорда эса...

Президентимизнинг 1997 йил 7 январдаги Фармонида мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш, "Умид" жамғармаси синовларидан аъло ўтганлар сафида Улуғбек ҳам Нью-Йоркдаги ПЭЙС университетига ўқишга юборилди...

"УМИД" йўлида Улуғбек билан бирга ҳоррижда ўқишга юборилган юздан ортиқ йигит-қизнинг ҳар бирига давлатимиз 30 минг АҚШ долларида сарфламоқда.

Куни кеча "Умид"нинг бу йилги имтиҳонига келган 1600 ёшнинг 350 нафари синовлардан аъло ўтаётгани ҳақида хушxabар таралди. Оқ йўл, Сизга "Умид" болалари! Яхшиямки, дунёда умид отлиқ қайсар, некин туйғу бор экан! Ўтиш йилларида ҳам ўз илмига, иқтидорига ишонч туйғусини сўндирмаган умидвор болалар бор бўлсин!

Умидвор иқтидорлиларни излаб топаётган, уларнинг камолотини ўз бўйнига олган, мамлакатимизнинг Умид юлдузига айланган "Умид" жамғармаси янада кучга тўлсин!

Музаффар ПИРМАТОВ.

Сўнги хабарлар

ҲАРОРАТБАҲИ УЙ-ЛИЦЕЙ

Самарқанддаги болалар уйларида бири лицейга айлантирилди. Ота-онасиз, васийларсиз қолган болалар бу ерда умумтаълим мактаблари ўқув дастуридан ташқари керамика, тикувчилик, рассомчилик, чеканка ва токарлик ишлари бўйича билим ва малака эгаллайдилар. Васийлар кенгаши "Самарқандгеология", "Самарқандгеочсавдо" ҳиссадорлик уюшмалари ҳамда Самарқанд қурилиш-архитектура институти жамоаси ҳамкорлигида шаклланди. Халқаро "Экосан" жамғармаси вилоят бўлимининг директори Юрий Огнев Кенгаш раҳбари этиб сайланди.

Бу янги уй-лицейда боқувчисини йўқотган болалар билан бирга камтаъминланган оилаларнинг фарзандлари ва иқтидорли болалар ҳам давлат таъминотида бўлади.

БОЛАЛАРГА ШОДЛИК УЛАШИБ...

Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази қошидаги Толибжон Содиков номли мусиқали давлатга қарашли бўлмаган халқаро жамғарма билан NSA компанияси ҳамкорлиқда "Болаларнинг кулгуси-келажакка ишончи" номли республика инсонпарварлик хайрия акциясини ўтказишга қарор қилди. Ижодий жамоа Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб бўладиган савобли сафари чоғида юртимиздаги ҳамма меҳрибонлик (болалар) уйларида бўлиб, хайрия концертлари беради.

Ташкилотчиларнинг таклифига биринчилардан бўлиб Тошкент шаҳридаги "Оловуддин" шоу-гуруҳи жавоб берди ва мамлакатимизнинг 18 шаҳрида истиқомат қилувчи кўнгли нозик болажонларга завқ бахш этди.

ҚОНУН ЮЗАСИДАН ҚОНУНИЙ УЙЧИЛАР

Республика ёшлари "Камолот" жамғармасининг Юнусобод туман бўлими билан "Камолот-қонун" республика ҳуқуқ маркази яқинда ўзига хос семинар ўтказди. Тадбир "Ёшлар ва инсон ҳуқуқи" деб аънавий номланган бўлса-да, шакли, ташкилий услуби...

Тошкент юридик институти прокурорлик ва юридик хизмати факультетларининг талабалари намоиш этган етти хил саҳна кўриниши залдагиларни бефарқ қолдирмади. Мижозлар, ҳайдовчи, харидор образларини яратган талабалар қонунбузарлик нисбатан кўп учрайдиган соҳалар манзарасини ҳаётий талқин этди. Саҳна кўринишларидан бирида эса айбдор деб гумон қилинган фуқарони сўроқ қиладиган терговчининг ноқонуний хатти-ҳаракати фош этилди. Шундан сўнг саҳнада намоиш этилган воқеалар ҳамма иштирокида қизгин муҳокама қилинди. Ҳуқуқий таълим ташвиқотининг бу янги халқ шакли йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди.

ҚОРБОБО ИНДОНЕЗИЯДАН КЕЛГАН ЭКАН

Янги йил арафасида ногиронликни тиббий реабилитация қилиш республика "Умид" марказига олисан меҳмонлар ташриф буюришди. Бу ерда Индонезиянинг Ўзбекистонда телекоммуникация бўйича фаолият олиб бораётган "Бузтел" компанияси вакиллари келган эдилар. Дўстларимиз ногирон болалар учун ранг-баранг ўйинчоқлар, турли ширинликлар олиб келишди. Индонезиялик бизнесмен меҳмонлар билан бирга келган санъаткорлар кичкинтойлар ҳузурида байрам

концерти намоиш этишди. Қорбобо тимсолида ҳаммани хушнуд этган киши - "Бузтел" компаниясининг маркетинг ва бизнес тараққиёти ишлари бўйича директори Исровон Темасмика эканини йиғилганлар ҳаёлига ҳам келтиришмаганди.

Исровон Темасмика бундан сўнг - йил давомида болалар ҳузурига директор сифатида тез-тез келиб ва ҳар гал "қорбобо" эканини эслаб, совға-салом билан келажакни изҳор этди.

Таълимда ислох

НАВНИХОЛ ИҚТИСОДЧИЛАР МАСКАНИ



МУСТАКИЛ ёш республикамиз ўтган 6 йил ичида иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичидан зафар билан ўтиб иккинчи босқич вазифаларини ҳам аъло даражада ҳал этмоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кенг халқ оммасининг фидойи меҳнати, садоқати натижасида мамлакатимиз ҳар жабҳада янги-янгиланиш, ўсиш даврини бошдан кечирди. Юртбошимиз ишлаб чиққан тараққиётнинг беш тамойили моҳиятини теран англаган ташаббускор, фаол раҳбарлар ва тадбиркорларнинг сайъ-ҳаракати натижасида юр-

тимиз кўп жиҳатдан МДХ давлатларидан ўзиб кетди. Масалан, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш Россияда 1997 йил 90%га тушиб қолган бир даврда, Ўзбекистон бу жабҳада юксалиш даражаси 10%га кўтарилди. Бошқа МДХ мамлакатларида эса саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 30-50%га пастлаб кетди.

Иқтисодиётдаги бундай ривожланишнинг халқ фаровонлигини оширишда аҳамияти катта. Иқтисодиётни ривожлантириш учун эса янги техника ва технологиялар, уларни чуқур тушунувчи ва моҳирона бошқара оладиган укувли, билимдон кадрлар зарур. Ана шундай ҳаётин, тарихий муаммони ечиш зару-

ратини ўз вақтида англаган ҳукумати-миз айниқса, 1997 йилда янги баркамол авлодни тарбиялаш ишига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, яқинда қабул қилинган Таълим ҳақидаги қонун ва Кадрларни тайёрлаш бўйича Миллий дастурни дунё Каримов дастури деб эътироф этгани бежиз эмас.

Тошкент Молия институти ҳам Президентимиз Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган "Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" номи маърузасида замонавий соҳа кадрлари тайёрлашда Олий таълим ва академик лицейлар олдида кўйган вазифаларни ҳал этиш йўллари қидирмоқда.

Институти-миз қошида ташкил этилиб, фаолият кўрсатаётган Банк лицейи ва Солиқ лицейи таълим соҳасидаги ана шундай изланишларимизнинг илк қадамларидан биридир.

Солиқ лицейи очилганига эндиgina 4 ой бўлди. Пойтахтимизнинг Талабалар шаҳарчасидаги ётоқхоналардан бирини қисқа вақт ичида таъмирлаб, жиҳозладик. Олий ўқув юртлиари ва мактаб ўқитувчиларидан танлов асосида фан номзодлари ва олий тоифали мутахассислардан иборат ўқитувчилар жамоасини шакллантирдик.

Шаҳар мактабларининг 9-синфларини аъло битирган, лицейда ўқиш истагида хужжат топширган 700 дан ортиқ ўқувчилар ўртасида ўтказилган тест синовларидан ғолиб чиққан 124 нафар иқтидорли йигит-қиз 6 та синфда ўқимоқда.

Солиқ лицейида таълим 2 йил бўлиб, унда она тили ва адабиёти, умумий тарих, хорижий тиллар, Ўзбекистон тарихи, гео-

графия, биология, физика, математика каби умумтаълим фанлари билан бир қаторда махсус курслар бўйича: иқтисодий билимлар асоси, ҳуқуқшунослик, менежмент асослари, инсон ва жамият солиқ сиёсати асослари, пул ва пул муомаласи маданияти, бухгалтерия ҳисоби, банк иши каби йўналишга доир дарслар ўтилмоқда. Тажрибали, билимдон муаллимлар лицей директори С.Ёқубов, илмий ишлар бўйича мудир М.Шораҳимовлар раҳбарлигида ҳар кун, ҳар дарсда ўқитишнинг янада самарали усулини топиб, амалиётга қўллашмоқда. Буни лицей талабалари билан бўлган мулоқотларда яққол сезиш мумкин.

Лицей ёш бўлишига қарамай, у аллақачон ривожланган мамлакатлардаги турдош билимгоҳлардан дўстлар ортиришга улгурди. Яқинда Германиядан лицейга ташриф буюрган Бавария солиқ ва молия мактаби раҳбари, ҳуқуқ фанлари доктори Цир Клаус ва шу мактаб ўқитувчиси Шмоль Зигфридлар Солиқ лицейи ишларига юқори баҳо беришди.

Ҳозир мутахассислар республикамизда амалда бўлган солиқчилик асослари, иқтисодиёт қонунлари алифбосини зўр қизиқиш билан ўрганмоқда. Демак, онгли, чуқур фаолият йўлига қадам қўйилди. Бу йўл ёшларимизни иқтисодиётимизнинг ёрқин уфқларига олиб бориши аниқ. Бу йўлда республикамизда ягона, қалдирғоч Солиқ лицейи жамоаси ва фаолиятига зафарлар ёр бўлсин. Фурсатдан фойдаланиб, Оила йилида биз иқтисодчилар "Оила"сига келган "янги меҳмон" - "Ёш иқтисодчи" ва унинг муштарийларига янги йилда омадлар тилайман.

М.ШАРИФХЎЖАЕВ,
Тошкент Молия институти
ректори, академик.

ШЕРАИ ИҶОХЛАШАР,

СЕЗҶИР ҚАЛБЛАШАР ДАВРАСИДА

НАВҚИРОН масканга таширфимиз лицей жамоасининг Янги йилни кутиб олиш кечаси ўтаётган вақтга тўғри келибди. Аввалига ноқулай туюлди, кейин ўзимизча гурурланиб ҳам қўйдик: "Не дердик, яхши одам - ош устига..."

Қадамимиз ёқдим дейман, назаримда кеча биз боргандан сўнг янада файзли бўлиб кетди. Талаба-ўқувчилар ўта зийрак ёшлар экан, улар даврага бегона оралаганини дарров сезишди.

Шинам "йигинхонага ярашқил тарзда қўйилган столлар байрамона безатилган. Дастурхондаги ноз-неъматларнинг аксарияти бу гулшанга оро бериб юрган қизларнинг "ширин қўллари"да тайёрланган хонаки пишириқлар экани кўриниб турибди. Йигитлар-ку "фирмадол" кийимларда. Лекин қизлар! Бу ой қизлардан ҳар бирининг энидаги ҳар бир либос - якка-ягона экани шундоқ кўзга ташланади.

Бироқ, даврани бир оз кузатган одам дарров сезади: бу янги йил кечаси маликалари либосларининг ихтирочилари - чеварлари ҳам шу ернинг ўзида - синфдош дугоналар экан. Уч соат давом этган базмдаги "салом"дан "хайр"гача бўлган ҳамма чиқишлар - табрик ва



тилақлар содда, самимий тилда ёзилган шеърини изҳорлар бўлди. Ажабо, бўлажак солиқчиларми булар, моҳир пазандаларми, ё нозиктаб чеварларми, нуктадон нотикларми ва ё истеъдодли раққоса-ю созандаларми?

Шуларни ўйларканман, бир ҳақиқатга ишондим: тиришқоқ одам ҳар ишдан хабардор, барча соҳада илгор бўлади! Бу йигит-қизлар аъло ўқийдиган ва танлаган соҳалари бўйича ҳам чуқур билимдон мутахассис бўлиб етишуви тайин.

Гарчи маскан остонасидаёқ бир гуруҳ талабалар пешвоз чиққан бўлсалар-да, кеча дастурига халал бермаслик учун фақат кузатувчи бўлиб ўтирдим. Кеча сўнгида эса улардан айримларининг бир оғиз-бир оғиз дил изҳорини олдим.

Сўхбатдошларим 10-"Б" синф ўқувчиларидан бир гуруҳи бўлди.

Баҳодир ШУҒМОҲОВ: - Мен ўз кичими ҳар соҳага бўлиб, қобилиятимни хомталаш қилмасам керак. Мен синчков, одил ҳалол солиқчи бўламан.

Жалолиддин ЁҚУБОВ: - Менга "Ёш иқтисодчи" нашри ташкил бўлгани ҳақида хабар жуда ёқди. Республика-мизда шу чоққача болаларга иқтисоддан хабарлар, сабоқлар берадиган ахборот воситаси йўқ эди ҳисоб. Бор. Лекин уларнинг бирида иқтисодий маълумот "саёзроқ, юзакироқ баён этилса, "ПрессТНЖ", "БВВ", "Менинг мулким", "Мулкдор", "Солиқлар ва божхона хабарлари"даги математиклар асосан соҳа мутахассисларбон - чуқур, касбий... "Ёш иқтисодчи" болалар ва ўсмирларни иқтисодиёт оламига йўловчи қомпасдек бўлса, деб умид қиламан.

Шухратилла ҲИКМАТУЛЛАЕВ: - Мен бир нарсага тушунмайман. Нима учун кейинги вақтда энгиллар "бозорчи болалар"га кўп тош отишяпти. Ахир уларнинг қонида савдо-сотқича мойиллик бўлса нима қилсин! Ахир саккиз-ўн ёшида ниста-қатиқ сотиб, пул топишни ўрганмаган бола қирққа кирганда харидор чақиритишдан ор қилади-ку! Менинг таклифим: ҳар кимни ўз майлига қўйиб берайлик. Юрагида юлдузи бор бола ҳеч қачон тирикчилик ўрмонида ораламайди! У ё илм, ё ижод осмонига талпинади, барибир! Шундай бўлгач, болаларга ҳалақат берилмасин, ҳамма гўдак ҳам ўзи ёқтирган ўйинчоғини танлайди!

Сардор ИСМАТОВ: - Мен Жалолиддиннинг гапига озроқ тузатиш киритмоқчиман. Бундай ҳолатга нашрлар айбдор эмас. Бунинг асл сабаби - яхши иқтисодчилар мақола ёзишмаганидан. Эҳтимол, ёзишолмас ҳам. Моҳир журналистлар бўлса, иқтисодиётни чуқурроқ билишмайди. Ҳар соҳанинг теран ўргангани уларнинг вақтлари ҳам етишмас!

Худо хоҳласа, бу бўшлиқни, мана биз тўлдираримиз. Келажакда бир қўлимизда компьютеру иккинчисида қалам бўлади!

ВАЛКИ чиндан ҳам ёшлар ҳақдир? Сиз нима дейсиз?

Байрам кайфиятини бузмай дебми, ёки Музаффар Мирзо Карим навоқирон авлодининг ёниқ эҳтироси шаклланиб қолиб қолган табиатига бир хуш насим янглиг хуш ёқдим, ҳар қалай бу 17 ёшлиларнинг айрим фикрларига қўйилмасамда, эътироз билдирмадим, балки каминанинг ҳам тафаккури янгиланаётгандир.

Бу - қизик

"БЕГОНА" ДАСТХАТ

ВУЮК француз адаби, Бальзак XIX асрнинг 20-30 йилларида "Силуэт", "Моде" каби журналларда ҳикоялари билан бир қаторда одатлар, либос ва модаларга бағишланган унча катта бўлмаган очерклар ҳам эълон қилган экан.

Эркалар учун галстукнинг аҳамияти қандай ўрин тутишини жуда яхши билган Бальзак 1827 йилда "Ўн олти тавсия билан галстук тақиш санъати" деб номланган китоб ёзиб, чоп эттирган.

Кунларнинг бирида Бальзак графология билан шуғулланиш ниятини билдирган. Бир аёл унга мактаб ўқувчиси дафтари-ни келтириб, дастхатга қараб, боланинг келажак-гидани айтиб беришни сўраган. Дафтарларни ўқиб чиққан Бальзак болани ниҳоятда зеҳни паст деб топиб, ундан келажакда бир нима кутиб бўлмайди, дейди. Дафтарларни келтирган аёл кулгидан ўзини тиёлмайди:

"Азизим Бальзак, қандай қилиб сиз ўзингизнинг ўқувчилик йилларингиздаги дафтарингизни танимадингиз!"

Бозор дунёси



БОЗОР, бу - савдо-сотиқ қилинадиган махсус жой. Бозор тушунчаси кенг маънода, умуман, олди-сотди жараёнини ҳам англатади.

Демак, бозор - 1) жой номи; 2) жараён номи.

Ўзбек тилида бозор сўзидан ясалган қуйидаги сўзлар кўп ишлатилади:

Бозорбоп (мол) - бозор суйадиган, харидор ёқтирадиган, харидоргир маҳсулот.

Бозорчи (киши, аёл) - бозорга савдо-сотиқ эҳтиёжи билан келган ёки қатнайидиган киши.

Бозор-ўчар - бозор, савдо-сотиқ ва улар билан боғлиқ икир-чикирлар.

Бозорчилик - бозорга хос муаммолар, қоидалар, расм-русум ва шу кабилар.

Бозорда ҳамма тенг. Баримиз харидор, иккинчимиз сотувчи.

Бозорнинг қуйидагича ўзига хос хусусиятлари бор:

- бозорда манфаатсиз шахслар бўлмайди. Сотувчи қимматроқ сотиш пайида, олувчи арзонроқ харид қилиш ҳаракатида бўлади;

- бозорда имтиёзли харидор бўлмайди, ҳамма тенг ҳуқуқли;

- бозорда нарх-навони зўрлаб белгилаш ва назорат қилиш мутлақо мумкин эмас. Бу - бозорнинг ўз қонунидир;

- бозор - рақобат майдони. Рақобат фақат сотувчилар ўртасидагина эмас, харидорлар ўртасида ҳам юз беради;

- бозордаги энг устун мезон -

сифат билан нарх-навонинг мутаносиб бўлишлигидир. Агар харидорлар бирон маҳсулотни сотиб олмасалар ёки камроқ олсалар, демак бу маҳсулотнинг баҳоси сифатига нисбатан баландроқ кўйилган. Бундай ҳолда сотувчининг бозори касодга учрайди ёки аксинча...

- бозорда биров бировдан хафа бўлиши, гина-қудрат кўтариб юриши ярашмайди, чунки бозор ҳарорати таклиф ва талабга боғлиқ. Таклифнинг талабдан орқада қолиши натижасида баҳо кўтарилади, бу эса ўз навбатида харидор билан сотувчи ўртасида норозиликлар келтириб чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда, бозор - товар (маҳсулотлар) ва хизматлар айирбошланадиган жой. У бўлмаса товар ва хизматларнинг олди-сотдиси юз берадими, такрор ишлаб чиқариш содир бўлмайди. Бозор товар ва хизматларни таклиф этувчилар тақдирини белгиловчи тожу тарозу, олий ҳакам бўлиб ҳисобланади.

Товар ўтса, демак унга кетган сарф ижтимоий (яъни ўзгалар томонидан) тан олинган бўлади. Маҳсулот ўтмаса, яъни товар касодга учраса, унга кетган сарф ўзгалар томонидан тан олинмагандир.

Бозор ижтимоий эҳтиёжларни аниқлаш воситаси бўлиб, у бамисли термометр каби ишлаб чиқариш ҳароратини, унинг истеъмомга нақадар мослигини ўлчайди.

Ё.АБДУЛЛАЕВ,
иқтисод фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Сабоқлар

САВДОНИ БУЗИШ МҲМКИНМИ?

САВОЛ: "Баъзан бирор нарса сотиб олгач, ёки сотиб бўлгач, сотувчи ё харидорнинг айниб қолиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Ислон дини қонунчилигида бунга йўл борми?"

ЖАВОБ: Марғилондаги Фурқон масжидининг ходими Рустамжон Расулжон ўгли ўз манзумасида бу саволга шундай жавоб берганлар:

БУ ХУСУСДА Расулулоҳдан ҳадис муборак борки, маъноси: Қайси бир одамийки бир нарсани олса ёки сотса, модомийки ажрашмасдан туриб қайси бири айниса шу нарсани олмаслиги ёки сотмаслиги жоиз мумкиндир. Демак, бир нарсани олади-ю, сотиб олгач, уни қиммат олганлиги ёки нуқсондорлиги маълум бўлиб қолади. Ушбу ҳолда молни олмай, сотувчига қайтариб бериш жоиздир.

Ёки киши бир нарса сотса-ю, ўша заҳоти молини арзон сотганлиги маълум бўлиб қолса, уни сотиш ва ё қайтариб олишлик ўз ихтиёридадир.

Бу ўринда баайни, яъни келишилган нархни бузишлик ҳаром деган сўзларимиз ўринсиз-асоссиздир. Чунки бу бировга зулум қилиш ҳисобланади. Дини ислонда эса ўзгаларга зулум қилмак маън қилинган.

Қитмир бола

"ЁҒНИ ЯЛАБ БЎЛМАЙДИ-КУ!"

САРДОР онасининг қўлидан идиш билан пулни олиб дўконга шошилди. Ахир у эндигина 10 ёшга кирган бўлса ҳам рўзғорга пахта ёғи кўп кетишини яхши билади. Ёғ эса уларнинг қишлоғидаги дўконга гоҳ-гоҳида бир келади. Шунинг учун ҳам пахта ёғи келган куни дўконда одам тирбанд бўлади.

... Одамлар орасида уриниб-суриниб юриб ниҳоят навбат қатори бошига етиб олган Сардор сотувчига идишини узатиб деди:

- Беш кило беринг.
Сотувчи қўлидаги узун сопли ёнига 1 литр деб ёзиб кўйилган ховончасимон идишни 5 марта ёққа тўлатиб идишга тўқди ва пулини узат дегандек Сардорга қаради. Лекин ёш харидор ёғ идишини оғзини сотувчига яқинроқ тутиб, қатъий деди:

- Қолган ярим килосини қўйинг, пулини кейин оласиз, - деди ва тўнғиллади. - Ахир шунча ёғни ялаб бўлмайди-ку!

Навбатда турганлар бу ҳолдан ҳайрон бўлиб бир Сардорга, бир сотувчига қарашди.

Болалар, ўйлангчи. 1) Сотувчи чиндан ҳам Сардорнинг ҳақидан уриб қолдимиз? 2) Кило қанақа ўлчов бирлиги-ю, литр қандай бирлик? Килода ўлчанган вазн билан литрда ўлчанган маҳсулот вазни орасида қанча фарқ бор?



Латифа

ОДЕССАДА банк қаршисида музқаймоқ сотиб ўтирган бир кишининг олдида таниши келиб 100 сўм қарз бериб туришни сўради.

- Сўзсиз берган бўлардим, лекин иложим йўқ, - деди сотувчи.

- Нега?
- Менинг банк билан шартномам бор. Мен ҳеч кимга қарз бермайман, банк эса музқаймоқ сотмайди.

Йўриқнома

ҚОҒОЗЛАР - КУНДА КЕРАК!

ХАР бир жамият аъзоси мустақил ишлаб чиқариш фаолияти давомида турли ҳужжатлар - иш қоғозларини ёзишига, ўқишига, имзолашига тўғри келади.

Бу, бир қарашда оддий кундалик ишлар бўлиб туюлса-да, аслида у фаолиятнинг жуда муҳим қиррасидир. Масалан, дейлик: сиз кичик корхона эгасисиз. Корхонангиз аввал конфет ишлаб чиқарарди ёки ёғоч тилимлаш, рандалаш билан машғул эди. Энди уни янада замонавийроқ эҳтиёжларни қондирадиган маҳсулотлар тайёрлашга мослаштирдигиз. Шу кунгача сизга ўт ва сувдек зарур бўлиб келган ишлаб чиқариш қуроллари - (конфет ўровчи ё ёғоч ти-

лувчи) дастгоҳлар энди бекор ётади. Аммо у бошқа бир тадбиркорга жуда асқотиши мумкин.

Тадбиркорликда биноларнинг, асбоб-ускуналарнинг ишлатилмай бекор ётиши, пулнинг "айланмай" қарахт туриши энг катта иллат саналади. Ишбилармон одам ўзидаги бундай "ортиқча бойлик"ни доимо ишлаб пул топиб туришга йўллаб туради. Юқоридан айтганимиздек ҳолларда мулк эгаси ўзида яхши дастгоҳлар борлигини ва уларни ижарага бермоқчи эканини билдириб эълон беради. (Эълон иш қоғозларининг бир туридир).

Эълон билан танишган бо-

шқа бир тадбиркор эса сизнинг бўш дастгоҳларингиздан вақтинча фойдаланиб туриш учун уни ижарага сўраб келади. Шунда сиз қимматбаҳо ишлаб чиқариш қуролларингизни нотаниш одамга шундоққина бериб юбормайсиз-ку? Ўртада маълум шартларни кўйиб яна бир ҳужжат - шартнома тузилади. Айни вақтда бу келишувга гувоҳ бўлган кишилар иштирокида яна бошқа

бир иш қоғози - далолатнома ёзилади. Ҳамкорингиз сизнинг мулкнингизни олгани ҳақида тилхат беради.

Бу ҳужжатларнинг ҳар биридаги ҳар битта сўз, ҳатто ҳар бир тиниш белги ўз ўрнида ишлатилиши зарур. Акс ҳолда, гоҳ биргина сўзнинг ноўрин ишлатилиши ёки тушиб қолиши ўша ҳужжатни ёзган (ёки олган) кишини миллион сўмлаб маблағдан жудо қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам иш қоғозларини тўғри ёзишни беш панжадек ёд билиш шарт.

Ҳужжатлар хизмат қоғозлари ва шахсий ҳужжатларга бўлинади.

1-дарс

Хизмат ҳужжатлари муассаса, ташкилот, корхона ёки уларнинг ваколатга эга бўлган мансабдор шахслари номидан тузилади. Баённома, тавсифнома, далолатнома шулар жумласидандир. Алоҳида фуқаролар номидан ёзилган ҳужжатлар - таржимаи ҳол, ариза, ишчоннома ва шу кабилар шахсий ҳужжатларга қиради.

Ҳужжатлар тарихий манба, далиллаш ёки гувоҳлик воситаси бўлиб хизмат қилади.

Иш қоғозларини қандай тўлдириш, яъни ҳужжатларни қандай тайёрлаш намуналарини газетамизнинг келгуси сонларида бериб борамиз.

Фарзанд - энг катта бойлик

“ЎЗЛАШТИРИШГА
ЎЗЛАШТИРИШГА”

Буюк шоир ва қомусий билимлар соҳиби, моҳир саркарда ва машҳур император Заҳрирдин Муҳаммад Бобурнинг ўғли Ҳумоюн қаттиқ оғриб қолади ва уни оғир аҳволда Аграга олиб келишади. Табиблар кеча-кундуз тиришиб, касалликни аниқлашга, даволашга уринадилар. Аммо бари зое кетади. Бобур ўглининг тезроқ оёққа туришини истайди. Бироқ унинг аҳволи баттар оғирлашади: илоҳий бир мўъжиза юз бермас экан, фалокат юз бериши аён бўлиб қолади. Шунда Бобур Аллоҳнинг даргоҳига сизганиб, ўғли учун жонини қурбон этишга қарор қилади.

Бу ҳақда Бобурнинг қизи Гулбаданбегим куйидагиларни ёзади: “Саройнинг неча уламоий киромлари подшо ҳазратларини бу қарордан қайтишга ундадилар, лекин дадам унамадилар. Неча бир оқилу донолар бунинг ўрнига мўл-кўл олтин-кумуш садақа этишни таклиф этдилар. Беклардан бири дунёда энг қимматбаҳо гавҳар - Кўхи-Нурни тасаддуқ этишни маслаҳат берди. Бироқ шавкатли отам рози бўлмадилар: “Дунёда ўғлимга тенг келадиган гавҳар борму?” Шундай деб сўзларида қаттиқ туриб олдилар. Кўнгиллари ул ҳазратни олий қурбонликқа ундар эди.

Йиғлаб, кўз ёши тўкаётган сарой хонимлари орасидан ўтиб, Муҳаммад Ҳумоюн ётган хонага кирдилар. Акам тўшақда оғир иситмада куйиб, ҳолдан тойиб ётар эди. Отам унинг бошига бориб, қўлларини дуога очдилар. Сўнг вазмин қадам ташлаб, унинг атрофида уч марта айландилар.

Такрор-такрор дедиларким: “Ё Аллоҳи карим, унинг дардини менга бергил! Унга келган бало менга урсин!” Сўнг ҳазратнинг йиғи аралаш шу сўзлари эшитилди: “Берган садақам қабул бўлди!.. Ниятимга етдим!.. Муродимга етишдим!.. Аллоҳи карим тилагимни қабул айлади!..”

Хона ичида юз бераётган воқеа чиндан ҳам юракларни ларзага солар эди. Ранглари синиққан, ғам-қайғу юки остида эс-хушини йўқотаётган Бобур Тангрига ялиниб-ёлворди. У ўғлимни қуйиб, унинг ўрнига менинг жонимни ол, деб зорланаркан, хушсиз ётган Ҳумоюн дард чекиб, оғир инграр эди... Ҳамма шафқат, марҳамат сўраб қилинган илтимосларга худодан бир садо кутарди”...

Бобур дуо-ю илтижоларим Тангри даргоҳида қабул бўлди, деб иймон келтирдикки, ўзининг аҳволи ёмонлашиб, ўглининг аҳволи яхшилана борди. Чиндан ҳам ўлим тўшағида ётган шаҳзода ҳушига келиб, кўзини очди. Бобурнинг аҳволи эса оғирлашгандан оғирлашаверди...

Орадан уч кун ўтгач, 1530 йил 26 декабрь, душанба куни Бобур вафот этди.

Бу парча ҳинд олими

Муни Лаълнинг “Бобур” номли асаридан олинди.

Тежамкор

АРЪАМИЗ ИҶҚ ЭДИ...

Энди катта бўлиб қолдинглар, деб бу йил адамлар бизга арча олиб бермадилар. Шаҳар бозорларидан ўрмон арчасини тополмабдилар. Пластмасса арчалар кўп экан-у... қиммат экан.

Адажонимизга гап қайтармадик. Лекин янги йил кирадиган куни опам иккимиз омборхонадаги челақда тўла турган ялт-юлт арча ўйинчоқларимизни олиб, доқада авайлаб артдик. Уларни чилвир игга тизиб дераза ва шкаф тутқичларига бойлаб қўйдик. Энг чиройли ўйинчоқлар шодасини бўлса шифтдаги қандилга илдик. Девордаги гиламга зарқоғоздан ясалган арча шохларини, қорпарчаларни қадаб чиқдик.

Уйимиз шунақа чиройли бўлиб кетдики, чирокни ёқсак кўзлар қамашади. Буни кўриб ойимлар ҳам қувониб кетдилар. Адам бўлсалар ўша куни ишдан эрталоқ қайтдилар. Улар остонада туриб қолдилар. Кейин опам билан мени ёнларига чақириб:

- Баракалла, она қизларим! Халқимиз “сепли бўлгунча, эпли бўл”, деб бекорга айтмаган! Домим шунақа укувли, тежамкор, тадбиркор бўлинглар, - дедилар.

Диловар МУСАЖОНОВА,
Тошкент шаҳридаги Абу Райхон Беруний номли мактабнинг 4-синф ўқувчиси.


Кроссворд

Энига: 4. Африка ғарбидаги давлат. 6. Мўйнали митти ҳайвон. 8. Адабий жанр. 12. Тасвири жумбоқ. 14. Ҳафта кунларидан бири. 19. Ўқувчиларнинг она тили ва адабиётдан билимларини си-наб кўриш учун ўтказиладиган ёзма иш. 21. Тоғ ёки тепаликни ўтиш қулай бўлган жойи. 23. Тоғ бутасимон ўсимлиги. 27. Билиш, тушуниш қобилияти. 29. Сувсарлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон. 34. Шарафли касб эгаси. 36. Қизил газлама. 38. Бўёқ модда.

Бўйига: 1. Шеърин тўплам. 2. Ғалла йиғимидаги қизгин мавсум. 3. Сув йўли. 9. Меҳнат қуроли. 10. Эркаларнинг энг юқори овози. 16. Югуриш мусобақаларининг ҳал қилувчи қисми. 17. Дарахтнинг бутқисиз ёш аъзоси. 18. Эстониядаги

дарё. 24. Меваси ширин жануб ўсимлиги. 21. Нуктадон киши. 31. Ўзлаштирилмаган, сувсиз ер. 32. Сибирдаги мухтор жумҳурият. 33. Шифобахш баргли тропик ўсимлик.


Белгиланган хонадан соат мили бўйича: 5. Абдулла Қаҳҳор повести. 7. Аъло навли миллий шойи газлама. 11. Ўзбекистондаги водийлардан бири. 13. Темир йўл транспортини бошқарувчи. 15. Фарғона водийсидаги вилоят. 20. Тожикистондаги тоғли ўлка. 22. Маълум шароитда жисмининг мажбурий тебранишлари амплитудасининг кескин ошиб кетиши. 26. Пахта териш машинасининг қисми. 28. Спорт тури. 30. Учиш қурилмаси. 35. Мусиқа асари тури. 37. Меваси зиравор сифатида ишлатиладиган ёввойи ўсимлик.



Кўприк

ИНГЛИЗЧА-ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАШГИЧ

Инглизчаси	Талаффузи	Ўзбекчаси
MAKING AN INTRODUCTION		ТАНИШИШ
Let me introduce myself.	'лет ми интрод'юс майселф	Ўзимни таништиришга (рухсат) ижозат беринг.
My name is 'John Barr.	май 'нейм из 'джон 'бар	Менинг исмим Жон Бар
First name.	'фе:ст 'нейм	исм.
Last (family) name.	'ла:ст (фэмили) нейм	фамилия
Let us get acquainted?	'лет ас 'гет эквейнтид	Келинг, танишайлик
Meet my friend, please.	'ми:т май френд, 'пли:з	Марҳамат, дўстим билан танишинг
May I introduce you (Let me introduce you) to my friend Mr. Carter.	мей ай интрод'юс ю ('лет ми интрод'юс ю) ту май 'френд 'мистэ 'ка:тэ	Сизни дўстим жаноб Картерга таништиришга рухсат беринг
Mrs. Carter.	'мисиз 'ка:тэ	Картер хонимга.
my wife,	май 'вайф	хотинимга
my mother,	май 'мазэ	онамни
my daughter,	май 'до:тэ	қизимга
my son	май 'сан	ўғлимга
my brother,	май 'бразэ	акамга (укамга)
my father,	май фа:зэ	отамга
my teacher	май ти:че	ўқитувчимга
my pupil	май п'юпл	ўқувчимга
my student	май ст'юдент	студентимга



Ҳисобдан адашдим.

Теран нигоҳ шарҳи

КУШЛАРНИНГ ПАТИ КАНЧА

Уларнинг пати оддий кўз билан кўрса бўладиган юлдузлар сонидан ҳам кўп!

Энг серпат куш-оққуш. Унинг 25 минг дона пати бор! Бунинг бешдан бир қисмигина танасида, қолганлари бошида ва чиройли бўйнида.

Ёввойи ўрдакнинг пати оққушникидан икки баравар кам, каптарники эса атиги 2600 дона.

ДУНЁДАГИ ЭНГ



ИНГИЧКА ИП

Ўргимчак тўри (ини)нинг ипи - дунёдаги энг ингичка ипдир. Улар одам соч толасидан минг баравар ингичкароқдир. Пишиқлиги эса...

Толанинг пишиқлиги данье деб аталадиган бирликларда ўлчанади. Данье - узунлиги 9 километр келадиган ипнинг граммларда ўлчанган вазни. Ипак қурти ўраган пилла толасининг вазни - 1 данье, инсон соч толасининг вазни - 50 данье, ўргимчак ини (тўри) толасининг вазни эса атиги 0,07 данье. Демак, ўргимчак инининг ер шарини экватор бўйлаб ўрашга етадиган узунликдаги толасининг вазни 300 граммдан сал ошиқроқ бўлади!

Ўргимчак ини (тўри) толасининг узилишга чидамлилиги пўлатнинг чидамлилигидан 2 баравар зиёд; у орлон, вискоза, оддий нейлон толасидан ҳам пишиқроқдир; унинг пишиқлиги юксак даражада чидамли махсус нейлонниқига деярли тенг; бироқ нейлоннинг чўзилувчанлиги униқидан анча кам.

Ўргимчак тўрининг толаси - соф оқсил!

Ҳозир аминокислотадан шундай тола синтез қилинмоқда.

Латифа

- Майкл, эсингдами, ўтган йили сен мендан 100 доллар қарз олган эдинг.
- Эсимда, эсимда.
- Эсингда бўлса, айтгин, қачон уни қайтариб оламан?
- Каердан билай.
Нима мен сега олдингдан айтиб берадиган башоратчиманми?

ПУЛНИНГ ҲАМ ЎЗ ТАРИХИ БОР



Ота-боболаримиз товарлар қийматининг "ўлчови"ни белгилайдиган айирбошлаш воситасини кашф этдилар. Бу - пул эди.



Пулнинг тарихи инсонда бир нарсани бошқа нарсага алмаштириш эҳтиёжи туғилган вақтдан бошланди.



Даставвал "товар пуллар" шундай ўлчов вазифасини бажардилар. Улар минг йиллар давомида муомалада бўлди ва қатор камчиликлари бўлишига қарамасдан, товар пуллар ҳатто 19-асрда ҳам қўлланилди.





Аммо ҳамма вақт тилла ва кумуш барча халқларнинг алоҳида эътиборида турди. Эрамиздан илгариги 700 йилларда ҳам олтин ва кумуш тангалар муомалада бўлгани маълум.



Бироқ кўп тиллани олиб юриш машаққатли ҳам хатарли иш. Ва ниҳоят, ўрта асрларда Оврўпада янги пуллар - тилхатлар пайдо бўлди. Тилхатга мол алмаштириш жуда тез оммалашиб кетди.



Дастлаб қоғоз пуллар қарздорлик тилхати сифатида юзага келди. Уларни заргардан ё бўлмаса хазинадан олтин ёки кумушга алмаштириш мумкин эди.



Тест

Янги йилда янгича ҳаёт бошлайман!

Янги йилда ўтган йилдагига нисбатан яхшироқ бўлишга ваъда беришинг ҳеч бир ёмон томони йўқ. Шундай ўзгаришга ҳаракат қилиб кўринг! Биз тузган қуйидаги оддий тест саволларидан фойдаланиб, янги йилда ҳаётингизга янгиликлар киритишни мақсад қилиб кўйинг.

Чизмада кўрсатилган "БОШЛАДИК" йўналиши бўйлаб берилган саволларга "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб беринг. Пировард натижада қайсидир рамзий белгига бориб тўхтайсиз. Бу рамзий белгиларнинг маъноси қуйидагича:

◆ **Ўзини қўлга олишга, янада ташкилотчироқ бўлишга ҳаракат қиламан**
Буни лоақал ўзинг яшайдиган хонани йиғиштиришни одат қилишдан бошлашингиз ҳам мумкин. Бунда бажариладиган энг муҳим ва шарт ишлар рўйхатини тузиб чиқинг. Менсиз ҳам муаммолар ўзича ҳал бўлиб кетар деган умидда лоқайд юргандан кўра, уларни ҳал қилиш (ҳеч йўқса атрофингизни саранжом-сарийшта этиш) чорасини излаган минг марта яхши. Бир уринганда ҳал этолмасангиз, яна бир марта ҳаракат қилинг.


◆ **Буюмларини қаерга қўйганимни эслаб қолишга ҳаракат қиламан**
Шахсий буюмларингиз ёки калит, мурват каби майда-чуйда асбобларни қўйган жойингизни эслаб олмай қидириб юриш одатингизни йўқотиш учун бундай йўл тутинг: бир парча қоғозга эслатма ёзиб уни кўринарли жойга илиб қўйишга одатлангиз. Бундай қилишга уяламан, дейсизми? Бу - бир оз ноқулай бўлса нима бўпти! Ахир у эслашда Сизга ёрдам беради-ку! Муҳим ишлар, саналарни (масалан, онангизни туғилган кунини) унутиб қўймаслик учун кундалик дафтар тутинг.

✠ **Ўта тортинчоқлик ҳислатини ўзгартиришга ҳаракат қиламан**
Тортинчоқлик, андишалик, аслида яхши фазилат. Катталар ҳам, шу жумладан ўқитувчилар, ҳатто актёрлар ҳам уятчан, андишали бўлишади. Лекин у бахтингиз, аҳдингиз йўлида гов бўлмаслиги керак.

☄ **Зарур даражада ва ҳамма жойда олдинга интилишга ҳаракат қиламан**
Майдалашманг! Иккинчи даражали нарсалардан энг муҳим нарсаларни фарқлашни ўрганинг. Дейлик, телевизорда берилган концерт ёки кинофильмни кўрмай уйкуга ётгингиз келмайди, зерикасиз. Лекин тиникиб ухламасангиз, эртасига ланж юриб дарс вақтида эснаб ўтирасиз. Ўқиш ўлда-жўлда бўлади.

☀ **Камроқ гапириб, кўпроқ эшитишга ҳаракат қиламан**
Сиз жуда суҳбатихонсиз. Бошқача айтганда, гапдонсиз. Лекин, келинг, янги йилда ўзгаларни тинглашни ҳам ўрганинг. Ҳали кўп нарсани ўрганасиз, ҳам дўстларингиз орасида қадрингиз ортади. Шунанга бўладики, сиз айтган гапларингиз тингловчилар учун сариқ чақалик ҳам аҳамияти бўлмайди. Бунақа валақлаш одатингизни йиғиштиринг!

☉ **Хушим келди (узук-юлуқ) тарзда эмас мунтазам шуғулланишга ҳаракат қиламан**
Бундай қилиш осонмас, албатта! Лекин бир маромда ишлашга интилинг. Шунда ўзингизни анча яхши ҳис этасиз. Буни уйдalasангиз, шу йўл билан биронта ёмон одатингиздан халос бўласангиз, бу - сизнинг фойдангизга яна бир ютуқ!



☀ Кийимларни тартибли сақлашга ҳаракат қиламан **☐** Ишни кейинга қолдирмасликка ҳаракат қиламан

Жуда яхши. Ахир сиз ҳеч вақт кийимларингизни ўз ўрнида - шкафингиздан тополмасдингиз. Айнан мана шу одатингизни йўқотсангиз хўп улуг иш бўларди! Мабодо шундай қилишга кўникишга қийналсангиз, унда шкафингизни ҳафтада бир марта йиғиштиришга ўрганинг.

Айни мана шу дақиқаларда нима қилиш зарур бўлса - бажаринг! Унутманг, уй юмушларини қанча тез бажариб қўйсангиз, шунча вақтингиз кўп қолади! Демак, ғайрат-шижоат кўрсатиш имкони ҳам бўлади. Ҳар қандай ишга нисбатан ҳам қизиқиш мумкин. Ана унда кўнгилда иштиёқ ҳам уйғонади.

**МАҲСУЛОТИНГ ҲАҚИДА
БОЛАЛАРГА АЙТ,
ОЛАМГА ДОСТОН БЎЛАДИ!**

КАНЦЕЛЯРИЯ МАҲСУЛОТЛАРИ

КЕНГ ИМКОНИАТ • ЮҚОРИ СИФАТ • АРЗОН НАРХЛАР

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНУВЧИЛАРГА

-ENGLISH ONE TO ONE-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ ТАВСИЯ ЭТГАН

Т.: (3712) 144-10-25 Т./Ф: (3712) 144-52-71

LEGO SYSTEM

ЭНГ АРСОНАВУЙ
БАЎРАМ -
ЯНГИ ЎЧА
ЖИРИБ КЕЛДУ

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗНИ
ЭРТАКЛАР ОЛАМИГА
САЁХАТ ҚИЛИШИГА
ИМКОНИАТ ЯРАТИНГ,
УЛАРГА "ЛЕГО"
КОНСТРУКТОРИНИ
СОВФА ҚИЛИНГ

"LEGO"

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН ЭНГ ЗЎР СОВФА

ТАНЛОВ УЧУН КЕНГ ИМКОНИАТ,
АРЗОН НАРХЛАР, БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР
УЧУН ЎЙИНЧОҚЛАР

"LEGO" МАГАЗИНИ
ОЛДЙ БОЗОРИ
(МАРКАЗИЙ ПАВИЛЬОННИНГ
ЧАП ТОМОНИДА)

“Ёш иртисодчи” га рекламанингизни қўйиладиган маълумотларда
бўлурган беришингиз мумкин.
Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, “ПрессГРУП” реклама хизмати.
Тел.: 139-47-76, 139-48-13. Факс: 139-48-23.

TUFIN CHOCOLATE

Cherry Chocolate
Amaretto Chocolate
Chocolate Strawberry & Raspberry
Caramel
Cookie
Chocolate

Tufin. Ҳамиша бизнинг дастурхонимизда.

Дўконлар: Тошкент, Нукус кўчаси, 20-а уй. Тел: 56-65-92.
Наманган, Дўстлик шоҳкўч. 14-уй. “Барака-Р”.

HERSHEY'S

AMIR Company Limited

Тел: (3712) 56-18-84, 56-70-11.
Fax: (3712) 56-31-44



JAHN INTERNATIONAL A/S

STIMOROL
Dirol
P. NEVITTE'S
Chupa Chups
Raffaello
Kinder SURPRISE
tic tac
PHILIPS 100
LEGO

Republic of Uzbekistan Tashkent city
Asaka street, 42
7-3712- 338-753

1998 ЙИЛ - ЙЎЛБАРС ЙИЛИ

Омад Сизга уор бо'лсин!

1998	
ЯНВАРЬ	ФЕВРАЛЬ
D 5 12 19 26	2 9 16 23
S 6 13 20 27	3 10 17 24
Ch 7 14 21 28	4 11 18 25
P 1 8 15 22 29	5 12 19 26
J 2 9 16 23 30	6 13 20 27
Sh 3 10 17 24 31	7 14 21 28
Y 4 11 18 25	1 8 15 22
МАРТ	АПРЕЛЬ
D 2 9 16 23 30	6 13 20 27
S 3 10 17 24 31	7 14 21 28
Ch 4 11 18 25	1 8 15 22 29
P 5 12 19 26	2 9 16 23 30
J 6 13 20 27	3 10 17 24
Sh 7 14 21 28	4 11 18 25
Y 1 8 15 22 29	5 12 19 26
МАЙ	ИЮНЬ
D 4 11 18 25	1 8 15 22 29
S 5 12 19 26	2 9 16 23 30
Ch 6 13 20 27	3 10 17 24
P 7 14 21 28	4 11 18 25
J 1 8 15 22 29	5 12 19 26
Sh 2 9 16 23 30	6 13 20 27
Y 3 10 17 24 31	7 14 21 28
ИЮЛЬ	АВГУСТ
D 6 13 20 27	3 10 17 24 31
S 7 14 21 28	4 11 18 25
Ch 1 8 15 22 29	5 12 19 26
P 2 9 16 23 30	6 13 20 27
J 3 10 17 24 31	7 14 21 28
Sh 4 11 18 25	1 8 15 22 29
Y 5 12 19 26	2 9 16 23 30
СЕНТЯБРЬ	ОКТАБРЬ
D 7 14 21 28	5 12 19 26
S 1 8 15 22 29	6 13 20 27
Ch 2 9 16 23 30	7 14 21 28
P 3 10 17 24	1 8 15 22 29
J 4 11 18 25	2 9 16 23 30
Sh 5 12 19 26	3 10 17 24 31
Y 6 13 20 27	4 11 18 25
НОЯБРЬ	ДЕКАБРЬ
D 2 9 16 23 30	7 14 21 28
S 3 10 17 24	1 8 15 22 29
Ch 4 11 18 25	2 9 16 23 30
P 5 12 19 26	3 10 17 24 31
J 6 13 20 27	4 11 18 25
Sh 7 14 21 28	5 12 19 26
Y 1 8 15 22 29	6 13 20 27

Йўлбарс йили ўзгаришларга, фавқулодда ҳолатларга боғлиқ йил. Бу йил теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бепарқ бўлиш яхшилиқ келтирмайди. Ҳамиша хушёр, ҳар бир ўзгаришларга нисбатан зиёрак бўлинг.

Биласиз: йўлбарс ўз кучига ишонган, қизиққон. У тартиб-қоидаларни ёқтирмайди. Бировга бўйсунганини истамайди, ҳақ-ноҳақ бўлса-да, бировга паст тушмайди. Шунинг учун ҳам мучали йўлбарс ўртоқларингизни тўғри тушунинг. Улар ўзидан юқори лавозимдагилар билан терс юришидан ажабланманг. Йўлбарс табиатида қизиққонлилик, исёнкорлик фазилатлари борлиги учун ҳам бу мучалилар орасидан кўпга доҳийлар, йўлбошчилар етишиб чиққан. Шунинг учун ҳам "йўлбарс"лар ҳаракатларини бир қолпга солишга беҳуда уринманг ҳам. Чунки унинг йўлига тўғаноқ бўлиш, барибир бефойда! Атрофдагилар уни сўйса ҳам, сўймаса ҳам ҳурматини жойига қўяверадилар. Ҳақиқатни унинг юзига айтишга ҳар қандай ботирнинг ҳам юраги дов беравермайди.

Йўлбарс мучалилар - ғауриоддий ҳаракатларга ўч ва таваккалчи бўладилар. Улар табиатдаги бу ўзига хослик йўлбарсларни ё шохсупага чиқариб қўяди ёки жарга қулатади. У ўта эҳтиросли, тўғуларга боғлиқ, тафраккури - теран.

Йўлбарснинг умр йўли ҳам нотекис: у ҳаётининг илк даврларини жуда тинч, осойишта ўтказди. Лекин ҳамма "югур-югур"лар умрнинг навқиронлик фазлини безайди. Бу даврда у шахсий муносабатлар йўлга қўйишига, молиявий муаммоларни ҳал этишига тўғри келади. Ҳаётининг учинчи фазли эса йўлбарслар учун осудалиқ, фароғат давридир. Чунки бу йилларда у ўзининг беҳаловат, изланувчан ёшлигида чеккан заҳматлари роҳатини кўриш бахтига мўяссар бўлади.

Ҳа, болажонлар! Айниқса бу йил мучали тўлган тенгдошларингиз учун ўзини ҳар ёққа уриш, ҳаёт йўлини қидириш, кучини кўрсатишга интилиш даври келди! Нима дердим, уларга омад тилаш ва ҳалақит бермаслик - биздан!

ШЛК КАШФИЁТЛАР

БИЗ ҲАМ ҚУЛОҒИНГИЗГА АЙТСАК МАЙЛИМИ?

Яқинда редакциямизга Хоразмдан хат келди. Хатни ўқиб роса хурсанд бўлиб кетдик. Нега дейсизми? Негаки тенгдошингиз Кувондиқ бизнинг барча руқиларимизни қизиқиб ўқиб борар экан. Унга айниқса, «Қулоғингга гапим бор» саҳифаси маъқул тушибдию, ўйлай-ўйлай нега энди фақат қизлар гапириши керак, биз ҳам гапирсак бўлмасмикин, деганча қўлига қалам олибди.

Инсоф билан айтганда газетамизга келадиган энг кўп хатларни қизлар ёзишади. Ҳатто яқинда «Ўғил болалар, нега жимсиз?» деган руқил ҳам очмоқчи бўлдиғу... Ва бирдагина қўлимизга бирин-кетин хатлар кела бошлади. Энг қизиғи бу мактубларнинг муаллифлари ўғил болалар эди.

Марҳамат, қани ўғил болалар, нималар дейишаркин бир ўқиб кўринг.

ҚАДРИМНИ БИР ЎТКАЗАЙ...

Ростини айтсам хат ёзишни жуда ёмон кураман. Лекин турт томонимга бундай аланглаб қарасам кучада, уйда, мактабда ҳам, ҳатто сизларнинг

пойафзал елимини суриб куйдим. Энапошша ҳеч нарса сезмасдан келиб утирди. Фақат ўқитувчимиз доскани тозалаб куй деганларида дик этиб тураман деди-ю... у ёғи узингизга маълум. Яна бо-

қолам газетага эълон қилинди-ю, синфдаги мактабдаги дустларим янада купайди. Менга албатта бу жуда ёқади. Бу гал сизга ҳали ҳеч кимга айтмаган бир сиримни очмоқчиман. Авваллари мен ўғил бола, қиз бола деганларини



газеталарингизда ҳам қизлар макталгани макталган. Нима, бизларнинг улардан кам жойимиз борми? деб ўйладиму, шошилиб хат ёза бошладим. Бизнинг ҳам узимизга яраша сиримиз, дардимиз бор... Ҳа, сезяпман. Юрагингизни ҳовучлаб, нима экан у сир, у дард деб ўйлаяпсиз-а?!

Майли, айтсам айта қолай. Мен жуда ҳам ҳазилни, шухликни яхши кураман. Шухлигим учун: уйда ҳам, мактабда ҳам гап эшитганим эшитган. Утган йили қишда Мели тоғанинг оғилидаги сигирини Самад чупоннинг эшагига алмаштириб куйдим. Бир ҳазиллашгим келди-да. Тонг қоронгусида Самад чупон эшшак деб ўйлаб, сигирни минмоқчи бўлган экан ерга қутариб урибди. Бу ишни мен қилганимни дарров ҳамма би-ла қолди. Дадамдан яхшилаб ҳаққимни олдим.

Кичкиналимизда қизлар билан келиша олмасдим. Шунинг учун булса керак уларни хафа қилиш учун турли уйинлар ўйлаб топардим. Масалан орқа партада утирадиган маҳмадона Энапошша синфда навбатчи бўлган кун у доскага чиққанда утирган жойига

шимда таёқ синди.

Негадир кейинги пайтларда қизлар билан дуст бўлгим келади. Аммо қизлар мени ёқтиришмайди. Ҳазиллари узидан ҳам совуқ дейишаркан, Синфимиздаги қизларнинг юрагига йўл тополмаяпман. Нима қилиб булса ҳам уларнинг кўзини куйдириб Ўзбекистондаги энг зур қиз билан танишмоқчиман... «Тонг юлдузи», балки сен бу ишда менга ёрдам берарсан. Синфимиздаги қизларга бир қадримни утказай.

Айтмоқчи, мен билан танишмоқчи бўлган энг зур қизга узим ҳақимда икки оғиз суз: анчагина гапдонроқману, лекин мендан яхши дуст чиқади. Танишмоқчи булсангиз марҳамат қилиб куйидаги манзилга ёзинг:

**Кувондиқ КОЗОҚОВ,
Хоразм вилояти
Шовот тумани
Аваз Ўтар номли
мактабнинг
10-синф ўқувчиси**

ГҶЗАЛГА ЎХШАГАНДА ЭДИ...

Менинг исмим Хумоюн. Сиз менинг «Ўзбекнинг кичиги» деган мақоламни ўқиган булсангиз керак. Уша ма-

ажратмасдим. Лекин баъзан аям опамга «фалончи холаннинг қизи жуда одобли қиз, уша билан дугона бул», — десалар, дарров хаёлимдан эртақдаги қизлар утади. Мен узим эртақ, афсона, дostonларни яхши кўриб ўқиганим учун Гулпар, Гурўгли, Кенжаботир, Нухотполвонларни яхши биламан ва атрофимдаги одамлардан кимдир менга ёқиб қолса, албатта уша қаҳрамонларга ўхшатаман. Айтмоқчи, эртақдаги қизлар ҳақида гапираётган эдим. Кучада ҳам, мактабда ҳам мен нуқул эртақнинг ичидан чиқиб келадиган қизларни излайман. Нима учун дейсизми? Шунчаки...

— Таърифланишича, у қизлар шу қадар нозик, шу қадар чиройли булишадик, ҳатто ой уларнинг гузаллигидан уялиб қочиб кетармиш. Мен биламан, бу бир хаёл. Лекин менга уларнинг ерга тегайтегай деб турган сочлари ҳақидаги тасвир жуда ёқади.

Купинча, аям билан куча айланшига чиққанимизда ойисига осилиб тантиқлик қилаётган қизларни куриб жаҳлим чиқиб кетади. Шунақа ҳам буладими? Кейин менга мактанчоқ қизлар жуда ҳам

ёқмайди. Ҳеч тушунмайман. Мақтанишнинг кимга кераги бор? Бизнинг синфимизда шунақа қизлар ҳам бор. Вой уларнинг оғзи гапга бир қизиб кетса булди, қани бир тухтатиб кўрингчи? Мен ҳамма қизларни ёмон демоқчи эмасман. Масалан, синфимиздаги аълочи Гузални олинг. У жуда ҳам камтарин, унинг устига сочлари кесилмаган. Кийган кийимлари узига жуда ярашади. У менга ёқади. Мен радио, телевизорларда «Ўзбек қизи» деган жумлани эшитарканман, кўз олдимга дарров Гузал келади. Ҳақиқатдан ҳам Гузал ўзбек қизи. Баъзи синфдош, қўшни қизларимиз тил билганликларини пеш қилиб купинча уришча ёки инглизча ибораларни гап орасига олифталик билан киритиб утадилар. Буларнинг барчаси менимча узини кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмас.

Мен бари тенгдош қизларимизни Гузалга ўхшашини жуда-жуда хоҳлардим. Албатта бу менинг истагим. Аммо Гузал барибир бошқача...

**Хумоюн АБАЗОВ,
Тошкент шаҳридаги 282-
мактаб ўқувчиси**

СОЧИЛГАН СОЧИНГДЕК...

Менга сочи узун румол ураб юрадиган қизлар ёқади. Бувимнинг айтишларига қараганда уларнинг ёшлик даврларида қишлоғимизда биронта ҳам сочи калта қиз булмаган экан. Ҳозирчи... Қизларга қараб хафа бўлиб кетасан. Ҳаммасининг сочи калта, кесилган. Яна қишлоқда туй булса қизлар уртадан чиқмай уйинга тушишади. Бунинг устига ўғил болалар уларни эмас, балки улар ўғил болаларни уйинга тортишади. Шунга хафа бўлиб кетаман. Фақат мен эмас бошқа уртоқларимнинг фикри ҳам шундай.

Бунинг устига охириги партага утириб олиб бир-бирини роса гийбат қилишади. Менинг тасаввуримдаги қизлар Кумушбиби мисол уятчан, хаёли булишлари керак. Яна сиз, бизнинг мактабда фақат ёмон қизлар ўқишар экан деб ўйламанг. Одобли, камтар қизларимиз ҳам бор. Фақат улар кам-да... Менинг назаримда қиз бола учун энг катта гузаллик унинг сочи булиши керак. Телевизорда раққоса қизларни кўрсам, ҳамма сочи узун

қизлар шаҳарда экан-да деб ўйлаб қоламан.

Ёшлиқларида бувимнинг сочлари роса узун булган экан. Мен барча қизларимизнинг сочлари учун, узлари ифбатли булишларини истаيمان. Мактабимизда биттагина сочи узун қиз бор ва у бизнинг синфда ўқийди. У менга ёқади... Лекин номини сизларга айтолмайман (унга булган ҳурматим туфайли).

**Азизбек РУСТАМОВ,
Фаргона вилояти Бувайда
туманидаги 9-мактабнинг
9-синф ўқувчиси**

ЭРТАҚДАГИ ЗУМРАД ҚАНИ?

Доимо ўғил болалар ҳақида гапиришади. Бизни уйинқарок, тупалончи дейишади. Лекин қизларничи... Доимо мактабда. Мен бунга қаршиман. Ҳозирги қизлар қандайдир бошқачароқ. Эртақлардаги қизларга ўхшамайди. Бувим доимо синглимга, холаннинг қизларига «Қиз бола овоз чиқариб қулмайди. Унинг қаттиқ гапирганини биров эшитмаслиги керак» — дейдилар. Лекин бизнинг синфимизда қизлар доимо бақириб гаплашишади, қаттиқ қулишади. Уларга қараб туриб, ҳайрон буламан, қулса оғзидан гул тукиладиган қизлар ҳам шуларга ўхшаганмикан? Ундай булмаса керак. Худди ҳамма яхши қизлар эртақлардаги Зумрадга ўхшаб урмонда адашиб юришибди-ю, ҳаммаёқни уяр, сурбет Қимматлар босиб кетгандай туюлади...

Автобусда ҳам қизлар умуман катталарга жой беришмайди. Бу фақат ўғил болаларга хос иш деб ўйлашади шекилли. Менимча бу нотўғри.

Мен ҳамма қизлар аямга ўхшашини хоҳлардим. Улар жуда чиройли, ширинсуз, пазандалар. Кийимларимизни ҳам узлари тикиб берадилар. 4 ёшлиқ синглимни меҳмон келса дастурхон ёзиш, қулга сув куйиб, сочиқ тутишга ургатганлар. Яна бир нарса. Қизларимиз жуда мактанчоқ, молпараст бўлиб кетишяпти. Эрталабдан бир-бирларига аяси уйда нима овқат қилгани-ю, унга қандай кийим олиб бергани ҳақида бутун синфга эшитиладиган қилиб гаплашиб утиришади. Шаҳсан менга бу қилиқлари ёқмайди.

Ҳамма қизлар аямга ўхшашини хоҳлардим.

**Козимбек ҲАМРОЕВ,
Самарқанд вилояти
Каттақўрғон шаҳридаги
гимназиянинг 6-синф
ўқувчиси**



ЖЎЖАЛАРИМ

Жужаларим, сизни санаб,
Ҳисобимдан адашаман.
Жимирлайсиз кўзни алдаб,
Гуллар каби чаман-чаман.

Санаб-санаб сизни охир,
Чарчаб қолдим жужаларим.
Қорним очиб, оғзим тахир,
Чанқаб қолдим жужаларим.

Санаб-санаб кўзим толди,
Қуринмади бу иш нафи.
Бирдан эсга тушиб қолди
Боболарнинг доно гапи.

Энди сизни жужаларим,
Куз келганда санагайман.
Шунда кўнглим бўлмас ярим,
Эл мақомин санагайман.

**МЕҲМОН-МЕҲМОН
ЎЙНАЙМИЗ**

Меҳмон-меҳмон ўйнаймиз,
Биз мезбону сиз меҳмон.
Келасиз деб ўйлаймиз
Гоҳ ҳар кун, гоҳ ҳар замон.

Дугоналар, уртоқлар,
Келинг, ёздик дастурхон.
Сизни куриб ўйноқлар
Юрагимиз шод, хандон.

Сиз келсангиз келарлар
Фаришталар тўп бўлиб,
Ўйимизга туларлар
Меҳмондан ҳам кўп бўлиб.

Фаришталар билан сиз
Келиб туринг меҳмонлар.
Шунда ҳурсанд бўламиз
Бизлар — сизнинг мезбонлар.

1997

Азиз АБДУРАЗЗОҚ — 70 ЁШДА!

Шоир Азиз Абдураззоқдан болажонларнинг кутгани кўп.
Ижод маҳсулларидан баҳраманд бўлиб, дил меҳрини гул қилиб тутгани кўп. Кўп яшанг, узоқ яшанг шоир бобомиз—Азиз Абдураззоқ!

**ЭЧКИЧАМГА
НАСИҲАТИМ**

Эчкича, ҳой эчкича,
Яшамагин эскича.
Ибрат олма отангдан,
Ибрат олма онангдан.

Улар эчки, сен улоқ,
Улар беғам, сен қувноқ.
Улар шукур қилмаслар,
Доим қўкат емаслар.

Дарахтларни кемириб,
Юрадилар семириб.
Сен дарахтга тегмагил,
Бирор барғни емагин.

Богбон хафа бўлмасин,
Сендан кўнгли қолмасин.
Шунда уртоқ бўламиз,
Доим иноқ бўламиз.

Сузимни ол эчкича,
Яшамагин эскича.

**БОЙ ЁНҒОҒУ
ЁҒ ЁНҒОҚ**

Ёнғоқ, ёнғоқ, ҳой ёнғоқ,
Богларни қил бой ёнғоқ.
Усавергин гуркираб,
Танламагин жой ёнғоқ.



Бог ёнғоғу тоғ ёнғоқ,
Ичи тула ёғ ёнғоқ.
Сени чақиб еганнинг
Кўнгли бўлсин чоғ ёнғоқ.

Саломатлик сендадир,
Аломатлик сендадир.
Дустларимга улашай,
Валломатлик мендадир.

Ёнғоқ, ёнғоқ, ҳой ёнғоқ,
Богларни қил бой ёнғоқ.



«Ойнаи Жаҳон» — болаларга



**ДУШАНБА,
12 ЯНВАРЬ**

УзТВ — I ДАСТУР.

10.05 «Арча атрофида» Алишер Навоий номли Катта Узбек академик театрининг янги йилга бағишланган «Арча байрами» намойиш этилади.

18.10 «Сехрли най». Мультфильм.

20.10 «Оқшом эртаклари». УзТВ — II ДАСТУР.

18.20 «Ёрилтош». Мультфильм.

18.45 «Табиат дунёси». УзТВ — III ДАСТУР.

18.00 «Зорро» мультфильм. 8-серия.

УзТВ — IV ДАСТУР.

18.45 Мультфильм.

**СЕШАНБА
13 ЯНВАРЬ**

УзТВ — I ДАСТУР.

10.30 Зоология.

11.00 География.

11.30 «Рақс, рақс, рақс».

12.25 «Фунтик ва муйловли кампиршо». Мультфильм.

18.10 «Бугдойзордаги уйча», «Фаройиб ов», Мультфильм.

20.10 Оқшом эртаклари. УзТВ-III ДАСТУР.

18.15 «Ёрилтош». Мультфильм.

УзТВ — III ДАСТУР.

18.10 «Зорро». Мультфильм. 9-серия.

УзТВ — IV ДАСТУР.

18.50 «Мульттомоша».

20.55 «Очиқ дарс».

**ЧОРШАНБА,
14 ЯНВАРЬ**

10.30 Табиат.

11.00 Янги алифбони урганамиз.

Бир олам қувонч билан кириб келган 1998 йилининг қишки таътили ҳам ажойиб воқеаларга, қувончли дақиқаларга бой бўлди.

Масалан, ўз газетамиз «Тонг юлдузи» шу қутлуғ йилдан бошлаб кўп саҳифали бўлиб чиқиши ўқувчиларга бир олам қувонч бағишлади. Ўзбекистон телевидениесининг «Болалар» муҳарририяси қатор кўрсатувлар, кўп серияли мультфильмларни намойиш этиб, миллионлаб жасжси томошабинларни хушнуд этишди. Энди республикамизнинг салкам 60 фоизини ташкил этган ўқувчилар янги йилдан янги куч билан ўқишга киришдилар. Бу борада ҳам Ўзбекистон телевиденияси орқали берилаётган кўргазмалли теледарслар мактабда олган билимларимизни янада чуқурлаштиришга ёрдам беради.

1998 йил 12—18 январь кунлари қуйидаги кўрсатувларни сиз азиз ўқувчиларга тавсия этамиз.

12.40 «Бор эканда, йўқ экан...». Бадий фильм.

18.10 «Кузгу». Усмирлар учун телеойнома.

Кўрсатувнинг илк сонидан иқтидорли усмирлар ҳақида видеолавҳалар намойиш этилади. «Ҳуқуқингизни биласизми?» саҳифасида усмирлар билиши зарур бўлган жиноят кодексининг айрим моддалари ҳақида баҳс ва мунозаралар уюштирилади.

Кўрсатувнинг спорт саҳифасида эса жаҳон олимпиада спорт мусобақаларида голиб бўлган ўзбекистонлик ёш спортчилар ҳақида ҳикоя қилинади.

20.10 «Оқшом эртаклари». УзТВ — II ДАСТУР.

18.15 «Ёрилтош». Мультфильм.

18.35 «Табиат дунёси».

20.05 «Кузгу». УзТВ — IV ДАСТУР.

18.45 «Мультфильм».

19.45 «Дунё ва болалар».

**ПАЙШАНБА,
15 ЯНВАРЬ**

УзТВ — I ДАСТУР.

8.40 «Алшомин авлодлари».

10.30 Ботаника.

11.00 «Алифбо сабоқлари».

18.10 «Табиат алифбоси».

20.10 «Оқшом эртаклари».

**ДАРДЛАРГА
МАЛҲАМ БЎЛСИН**

Яқинда «Умидли дунё» кўрсатувини кўрдим. Унда ёш болаларни, тенгдошларимизни оғир дарддан фориғ қилаётган катта шифокор ҳақида ҳикоя қилинди. Танглайсиз, оғиз-бурунсиз туғилган беморларга йул-йўриқ кўрсатиб савоб иш қилибдилар. Албатта-да, юргимизда шундай уткир шифокор-профессорлар бўлса-да, ота-оналаримиз чет-эллардан шифо излаб, қанча сарф-харажатга қолиб, саргардон бўлишса. Шунинг учун «Умидли дунё»га ухшаган кўрсатувлар кўп бўлса-ю, одамларнинг кунига яраса, дардларига малҳам бўлса қандай яхши.

**Азамат ТУРСУНБЕКОВ,
Куйи Чирчиқ туманидаги
51-мактаб ўқувчиси**



УзТВ — II ДАСТУР.
9.00 Мультипанорама.
9.20 Сув ости дунёсига саяҳат.
9.45 Синфдош.
18.15 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
21.35 «Бахтли болалик». УзТВ — IV ДАСТУР.
18.45 Мульттомоша.

ЖУМА, 16 ЯНВАРЬ

УзТВ — I ДАСТУР.
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.
11.50 «Эртақлар яхшиликка етақлар». Малика ва шаҳзода.
12.45 «Велосипед қочиб кетди». Мультфильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
21.00 «Иқтисод алифбоси». УзТВ — II ДАСТУР.
9.00 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
18.15 «Бор экан у — йўқ экан».
18.35 Катта танаффус.
УзТВ — IV ДАСТУР.
18.45 «Мульттомоша».

**ШАНБА,
17 ЯНВАРЬ**

9.45 «Шоҳруҳ клуби».
11.50 Болалар учун. «Чамандаги гуллармиз».
18.00 «Қушигим-жон қушигим».
Болалар шоирлари ва баста-

корлари ижод қилган қўшиқлар ҳақида суҳбат. Кўрсатувни Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов олиб боради.

19.50 «Оқшом эртаклари». УзТВ — II ДАСТУР.

9.00 «Бор экан у — йўқ экан...».

9.20 Катта танаффус.

18.15 Боланинг тили.

18.30 «Сув ости дунёсига саяҳат».

УзТВ — III ДАСТУР.

11.45 «Шанба эртаги».

18.45 «Мульттомоша».

19.50 «Шанба эртаги».

18.45 «Мульттомоша».

19.50 «Шанба оқшомида».

**ЯКШАНБА,
18 ЯНВАРЬ**

УзТВ — I ДАСТУР.

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

11.45 «Катта танаффус» ехуд Қорбобо саргузаштлари»

14.05 «Болалигим — пош-шолигим».

18.00 Мульттолам.

18.20 Болалар учун «Омад юлдузи».

УзТВ — II ДАСТУР.

9.00 «Боланинг тили».

18.15 Мультипанорама.

18.30 Сув ости дунёсига саяҳат.

УзТВ — IV ДАСТУР.

9.55 Якшанба эртаги.

14.05 Жонли сайера.

16.05 «Мультэкрэн».

18.45 «Мульттомоша».

Бу ҳафтада сизлар учун аталган кўрсатувларимиз ана шулардан иборат. Уларни кузатиб боринг. Кўрсатувлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб туринг.

Тоҳир МУЛЛАБОВ

БОЙЎГЛИ АФСОНАСИ



қолишса, «киште лаънати бойкуш», — деб ҳайдашади. Уни қарғиш теккан бехосият куш, бахтсизлик олиб келади, деб ҳовлиларига яқин йулатишмас экан. Шунинг учун ҳам бойугли тунда, ҳамма ухлаганда ов қилар, одамларнинг кузларига қуринишга қурқиб, қийналиб яшар экан.

ИТИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Ҳаммангиз итни биласиз, яхши кўрасиз. Уйингизга қуриқчи-посбон қилиб қуйиб узингиз сеvimли аяжон ва

га отилиб чиқиб, «Бу нима деганинг эй жодугар, ҳосилнинг ҳаммасини сенга берадиган булсак узимиз нима қиламиз? Ахир болаларимиз оч, кексаларимиз ялангоч қолади-ку. Қулингдан келганини қилмайсанми, сенга бир кафт ҳам бугдой олгани куймайман. Аслида кампир одамга қул кутариш гуноҳ-у, лекин айнан мана шу зурвонлигинг учун ҳам гарчи сен билан олишиб булса-да сени бу ерлардан ҳайдаб юбораман», — деб у билан жанг қилгани ҳозирланибди. Шунда қишлоқнинг оқсоқоли Элмуродга «Болам, бу кампир ниҳоятда жодугар ва айёр. Эҳтиёт бул, жангга киришдан олдин «Бисмиллохир роҳманир раҳийм», — деб худонинг номини дилингга солиб кейин жангни бошлагин. Тагин бу доғули кампир сени сеҳрлаб, нетиб қуймасин» деб қаттиқ тайинлабди. Лекин узининг кучига ишонган Элмурод «Бисмилло»ни айтиш-

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Утган йилги «Энг яхши афсона» кўриги давом этмоқда. Афсонадан афсоналарга сарҳифасининг иккидори муаллифига «Қамолот» Жамғармаси Андижон вилояти бўлимининг икки кассетали магнитофон совғаси бор

Шу-шу зилзила булаётган пайтда худди бир ёмон хавфни сезгандек итлар осмонга қараб ув тортишаркан.

ИСҲОҚҒҮЯК НИМА ДЕГАНИ?

Биз ҳозир сизга тарихни ҳикоя қилиб берувчи қушни-

кун ботгандан кейин бир жимитгина қушча ҳазин товуш билан «Исҳоқ, Исҳоқ» деб тонггача тинимсиз сайраб чиқади. Бунинг сабабини сураганимизда қишлоқ аҳолиси бизга қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб беришди.

Қадимда шу қишлоқда бир камбағал оила булиб оила аъзоларини эр-хотин ва икки бола ташкил қиларкан. Қушларнинг бирида бу оила бошига оғир мусибат тушибди. Яъни овга кетган дадаларини оч бурилар еб, боқувчисиз оғир аҳволда қолиб яна олдингидан бадтар қашшоқлашиб кетишибди. Ҳатто уйларида ейиш учун бир бурда нон ҳам қолмабди.

Бунга чидолмаган катта угил кичик укасини ёнига олиб, қулига саватчасини ушлаганча яқинларидаги урмонга егулик бирор нарса топиб келиш мақсадида йул олибди. Урмонга етиб келгач, укасининг очликдан мадори қуриб, қадам босишга ҳам кучи етмабди. Шунда акаси уни бир дарахтнинг соясига утқазиб қуйиб, узи яна йулда давом этибди. Ва қоронгу тушгач, саватчасини ҳар хил егуликка тулғазиб укасини қуйиб кетган ерга келса укаси йўқмиш. Бутунлай силласи қуриган бечора боланинг на укасини излагани, на чақиргани ҳоли қолмабди. Ва бутун вужуди билан Яратганга илтижо қилибди.

«Эй худойим, менга ёрдам бер. Қанийди ҳозир қушчага айланиб укамни чақириб излаб тополсам, ахир укамсиз уйга кириб борганимни қурган бечора онам улиб қоладиларку?»

Болақайнинг муножоти уша заҳоти Яратганга етиб борибди ва у жимитгина, лекин жарангдор овозли қушчага айланиб, тинимсиз укасининг отини айтиб «Исҳоқ, Исҳоқ» деб сайраб уни излай бошлабди.

Шу-шу қош қорайгандан кейин уша дов-дарахтларга бурканган сокин қишлоқда бир миттигина қушча маҳзун товуш билан «Исҳоқ, Исҳоқ» деб бетиним сайрар, қишлоқ аҳолиси эса уни узларининг тиллари билан «Исҳоқгуюк», яъни «Исҳоқни чақирувчи» деб аташаркан...

Гулноза МАҚСУДОВА,
Тошкент туманидаги
25-мактаб ўқувчиси



дадажонларингиз билан биргаликда истаган ерингизга саёҳат қилиб келасиз. Чунки ҳайвонлар орасида садоқат, вафодорлик ва меҳрибонлик бобида итларга тенг келадигани йўқ. Ҳатто баъзида эгалари улган итларнинг эгаларининг қабрларини кучиб жон берганларини ҳам куп эшитгансиз, лекин бир пайтлар мана шу итнинг меҳнаткаш, беозор, деҳқон йигит бўлганидан, уни жодугар кампир сеҳрлаб итга айлантириб қуйганлигидан беҳабар булсангиз керак-а. Қандай қилиб дейсизми, унда яхшилаб қулоқ солинг. Бир замонлар Қашқадарёнинг обод, бир қишлоғида Элмурод деган йигит бўлган экан. У жуда меҳнаткаш, ҳалол ва орияли бўлиб, элу халқи учун жонини ҳам аямайдиган мард йигит экан. Қишлоқ аҳли деҳқончилик билан шуғулланар ва ундан тушган ҳосил билан тирикчилик қилишаркан. Аммо кунлардан бир кун ҳосил етиштирилиб, айни йигит олинадиган қуни қишлоқда бир кампир пайдо булиб, «Ҳосилнинг ҳаммасини менга берасанлар, булмаса ҳаммангни жодулаб турт оёқли акиллайдиган махлуққа айлантириб қўяман», — деб қурқитибди. Шунда Элмурод урта-

ни унутиб жангга кирибди ва кампирнинг макр-ҳийласидан енгилиб, итга айланиб қолибди. Аммо бундан табиатнинг ҳам газаби келибди шекилли, уша заҳоти ер ёрилиб жодугар, доғули кампир ерга кириб кетибди. Ҳийлагарни ютгандан сунг, ер силкиниб қаттиқ зилзила бошланибди. Ит эса узининг аҳволидан қишлоқдошлари олдида уялиб мулзам булиб тургани учун кампирни у енгмай аксинча ер ютганини қуриб, осмонга қараб увлаб юборибди.

нг номи сал ғалатирок — Исҳоқгуюк деб аталади. Албатта номига қизиқишингиз табиий. Чунки баъзиларингиз бунақа қушни ҳеч қачон эшитмаган булишингиз мумкин. Аммо ҳечқиси йўқ, бизнинг афсонамизга диққат қилсангиз ҳаммасини билиб оласиз.

Қадим Самарқанднинг осмонупар тоғлари ёнбағрида бир «Синтоб» деган тузал қишлоқ бор. Қишлоқнинг одамлари ҳам ҳар бир тоғ-тошию дов-дарахтлари ҳам тирик афсона. Шу дилбар қишлоқда



● Бизнинг тўғарак

Пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур тумани, халқ таълими бўлимига қарашли Йўлдош Охунбобоев номли қўшимча таълим мажмуасида «Еш қаламкашлар» тўғараги фаолият кўрсатиб келмоқда. Унда тумандаги мактаблардан адабиётга ихлосманд ўқувчилар иштирок этишади.

Ўтган ўқув йилида тўғарагимизнинг ижодкор болалари шеърларидан наъмуналар мажмуаси сифатида «Митти юлдузчалар» тўплами чоп этилди.

Шу йил баҳор ойида бўлиб ўтган республика иқтидорли ўқувчилар слетида ижодкор тенгдошларингиз ҳам қатнашиб тўғарагимиз

аззоларидан Шайхонтоҳур туманидаги 141-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Хўжаева Саодат биринчи ўринга сазовор бўлди. Ва ҳомий ташкилотлар ҳамда халқ таълими вазирлигининг моддий ва маънавий эсталик совғалари билан тақдирланди. Келгусида режаларимиз кўп...

Келинг, сафларимиз янада келгайсин. Бирга ижод қилайлик, бирга мунозара қилайлик. Сизни кутамиз.

Саида ЗОКИРОВА 141-мактаб қошидаги «Еш ижодкорлар» тўғараги раҳбари

НОН ИСИ

Уйғонмасдан ҳали халқимиз,
Жўшқин меҳнат урмасидан бонг,
Узоқлардан таралар бир ис,
Еришмасдан ҳали оппоқ тонг.

Симирсам мен бу исни қайта
Тонг сингари ёришар дилим.
Ўз меҳнати самарасини
Эрта тонгдан тотади элим,

Фаровонлик рамзи каби
Таралмоқда бир ис ўлкамга,
Тандирдаги бир нон сингари,
Кўёш чиқар кулиб оламга.

Саодат ХЎЖАЕВА,
141-мактаб ўқувчиси

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ

Ўзбекистон келажакнинг порламоқда чироғи,
Ҳилпирайди кўкда унинг жилваланиб байроғи,
Ўн иккита чақноқ юлдуз вилоятнинг сонидир,
Оймўмачи, нур сочади, юртим нурлар конидир.

Мовий бўёқ — кенг осмоннинг мусаффолик дарағи
Оқ ранг эса, пок иймонли ўзбекларнинг юрағи,
Яшил бўёқ — яшаришу, янгиланиш белгиси
Қизил бўёқ — халқ эрки чун кетган қоннинг сўнгисини.

Феруза МҰМИНОВА,
40-мактабнинг 8-синф ўқувчиси



ТОМОША

Республикамиз болалари ва усмирлари учун нафақат «Наштар» киножурнали, «Ўзбекфильм» мультбирлашмаси балки илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ҳам фильмлар яратмоқда.

«Томоша» деб номланган ҳужжатли, видеофильм айнан болалар учун.

Экран асари республикамиздаги «Томоша» болалар ансамбли гуруҳ фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Фильмни режиссёр оператори Умид Ортиқов суратга олмақда.

(Ўн дақиқали мультфильм)

ЯНЧАР КҲҲН

Бир куни бури қуён тутиб олибди. Қопига солиб уйига олиб кетибди.

«Ҳозир қорним туқ. Сени эртага ейман», дебди. Қуён нима қилишини билмай уйлай-уйлай:

— Бури мени ҳозироқ ейсан. Эртагача чидаёлмайман. Ҳаммаси жонимга тегди. Ҳозир еяқол, — дея аввал дук қилибди, кейин ялинибди.

Бури: — Қорним туқ эртага ейман. Нима учун бундай деясан?

Қуён: — Э, сен билмайсан, ҳар кеч мени янчар қуён излайди. Ундан бекиниб юриш жонимга тегди, мени яхшиси ҳозироқ еяқол.

Бури: — Янчар қуён нимаси? Ким у, мен-

дан каттами?

Қуён: — Э, у жуда катта

Бури: — Буридекми?

Қуён: — Йўқ

Қуён: — Йўқ. Филни эшитганмисан. У янчар қуённинг олдида пашшадек гап, — дебди.

Бури ухламоқчи булибди. Энди кўзи илиниши билан ҳаммаёқни тақир-туқур овози босибди. Узи эса алаҳсирабди.

Охири жонига тегиб, қуённи қопидан олиб кучага чиқиб бақирибди:

— Ҳой янчар қуён, мени тинч қуй, мана уша қилай қуённинг, менга керакмас. Емайман. Узи парҳездаман, — дея қуённи улоқтирибди. Шундай қилиб қуён буридан қутулибди.

М.МУРОДОВА

«ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН»

деган ҳикматли нақл бор. Зеро, ёнгинлар натижасида инсонларларга етаётган зиён-заҳматлар ҳаммамизга маълум.

Аслида ёнгин билан боғлиқ аксарият аянчли ҳодисалар кундалик турмушда одамлар томонидан йул қуйилаётган бепарволик, лоқайдлик, маъсулиятни унутиб қуйиш каби иллатлар оқибатида руй беришини таъкидлаш жоиз.

Ота оналарнинг бепарволигидан олов уйнаб қуйган еш болалар орамизда йўқ эмас.

Бу ҳақда Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани Ёнгиндан сақлаш бўлим назоратчиси, ички хизмат лейтенанти Ф. М. Сағдуллаева қаранг, нима дейди.

— Дарахтлардаги барглар сар-

гайиб тукила бошлади. Бу эса кучаларда, даҳаларда, очиқ майдонларда қуриган шох-шаббалар ахлатларнинг йиғилишига сабаб бўлди. Ободонлаштириш ишчилари томонидан уз вақтида олиб кетилмаган, ахлатларни купинча ёқиб қоллари купаймоқда. Бу ёнгинлар сонининг кескин усишига сабаб бўлмоқда. 1997 йилнинг ўтган 8 ойи ичида Мирзо Улугбек туманида 281 та ёнгин қайд этилди. Шу ёнгинларда 8 киши вафот этди. Ёнгинлар оқибатида етказилган моддий зарар эса 13 миллион сўмни ташкил этади. Шахсий

уйлардаги содир булган ёнгинлар аксарият ҳолларда чекиш, унинг қолдиқларини учирмасдан дуч келган жойга ташлаш, болаларнинг қаровсиз қолиб гугурт уйнашлари, носоз электр асбобларидан фойдаланиш, газ асбобларини ишлатганда эҳтиёт чораларини қуримаслик каби ҳолларнинг оқибатида юз беради.

1997 йилнинг 3 июнь куни қон қуйиш марказининг жонлантириш бўлимига 1-Қорасув даҳаси, 27-уй, 65-хонадонда яшовчи 1989 йилда туғилган Гринюк Таяни олиб келишди. Таяна шу куни эрталаб тахминан соат 9.30 лар атрофида уйи олдида бир узи уйнаб утирган. Бир оздан сўнг унинг қичқирганини эшитиб опаси Марина уйдан югуриб чиқиб уни

ёнаётган ҳолда куриб қолган. Хушига келганида Таяна уни қандайдир нотаниш бола гугурт билан ёқиб қочиб кетганини айтади. Таяна 80 фоиз 1-2-3-даражали термик қуйиш оқибатида 1997 йилнинг 4 июлида касалхонадан вафот этди.

Азиз болалар! Беҳуда олов уйнаш, гугурт чақиб хас-хашаклар ёнида уралашиб юриш қўнғилсизликларга олиб келади. Совуқ тушиб уйларда газ плиталари ёнмоқда. Қиш-қировли кунларда газ иситкичлари ёнида қолган кийим-кечаклар ҳам, кузни қувонтирган арча ёриткичлари ҳам ҳаммаси назоратингизда булсин. Сезгирлик-синчковлик тилаймиз сизга.

Нилуфар ДАВИДОВА
тайёрлади



● Устоз ижоди ●

КҲҲМҲҲИША МАКТАБИ

Толим-толим сочингиз
Ўсиб белдан ошдимми?
Безингизни соғиниб,
Кўзларингиз ёшимиди?
Ўзбегимнинг чиройи,
Одоби, малоҳати,
Сизда эди мужассам
Ҳаёси, сулуқати.
Нигорон бўлиб боққан
Кўзингиз ёдда қолди.
«Сиз ўшамми?» деб айтган
Сўзингиз ёдда қолди.

Ғ. ҒҲЛОМ ҲИ-МУЗЕЙИДАГИ

ҲҲЛАР

Сиз яшаган қутлуғ ҳовлига
Узоқ-яқин жамул-жам бўлди.
Номингизни эслаб кўп бора
Мухлисларга уйингиз тўлди.
Етаклайди хаёл узоққа
Гўё сиз ҳам юрасиз шодон.
«Бизникига қўниб ўтинг», деб
Қучоқ очиб кутасиз меҳмон.
...Етимхона. Мурғак қалбларнинг
Пешонасин аста силайсиз.
Етимлигин сезмасин дея
Оппоқ тонгда иқбол тилайсиз.
Вокзал томон шошиласиз сиз
Саваб тўла шафтоли тутиб.
Дейсиз: «азиз болажонимни
Соғинганман, олайин кутиб...»
... Сиз яшаган қутлуғ ҳовлига
Узоқ-яқин жамул-жам бўлди.
Номингизни эслаб кўп бола
Мухлисларга уйингиз тўлди.

Муаттар АЛИМБЕКОВА,
Тошкентдаги 214-мактаб ўқитувчиси

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҲҲИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ҲАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Муртазо СУЛТОНОВ,
Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙҲҲДОШЕВА, Ҳотам АБДУ-
РАЙМОВ, Исфандиёр ЛАТИ-
ПОВ, Илқибол ЮСУПОВА,
Дадаҳон ЁҚУБОВ, Султанга-
ла ҚҲҲИЕВ, Феруза ОДИЛО-
ВА.

«ТОНГ ЮЛДУЗИ»

ГАЗЕТАСИНING
«ЕШ ИҚТИСОДЧИ»
ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:
Музаффар ПИРМАТОВ,
Равшан ҚАМБАРОВ
Навбатчи:
Маҳлиё МИРСОАТОВА

IBM компютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буторгма — Г-0901.
39.983 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топириш вақти 19.00
Тоширилди — 18.30
Навбатчи: Х. АҲМЕДОВА

Руйхатдан утиш тартиби
№ 000137
Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
Нашр курсаткичи: № 64563
Телефон:
1-33-44-25
1-36-57-91
1-36-54-21